



41  
(1359)-son  
12-oktabr  
2018

# Xabar

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN  
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

## УШБУ СОНДА:

### МОБИЛ АЛОҚА

АКТ вазири Veon Group бош ижроочи директори билан учрашди **3-бет**

### АРМИЯ ВА ЁШЛАР

МАТБда очиқ эшиклар кўни ўтказилди **4-бет**

### ЭЛЕКТРОН САЙЛОВ ТИЗИМИ

Шаффофликни таъминлашнинг муҳим шарти **5-бет**

### СОТРУДНИЧЕСТВО

Ўзбекистон ва Қазақстан на пути сотрудничества в сфере ИКТ **6-бет**

### БУТУНЖАҲОН ПОЧТА КУНИ

"Ўзбекистон почтаси" дунёнинг 107та мамлакати билан халқаро почта алмашувини таъминлайди **11-бет**

### ТАҲЛИЛ

Интернет "калитлари" алмаштирилди **12-бет**

### БУ – ҚИЗИҚ!

Почта ҳақида қизиқарли 10та факт **16-бет**

ЖАҲОНДАГИ  
ЭНГ ИИРИК  
ИШ БЕРУВЧИЛАР

Walmart савдо тармоғида  
2 300 000 киши ишлайди.

ПОЧТА ОПЕРАТОРЛАРИ  
ОРАСИДА ЕТАКЧИЛАР:

China Post Groupda  
**941,2** минг,  
US Postal Serviceda  
**574,3** минг,  
Deutsche Postda  
**459,2** минг  
киши ишлайди.

Манба: Fineconomics

## ПОЙТАХТИМИЗДА MOBICON 2018 ХАЛҚАРО МОБИЛ КОНФЕРЕНЦИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Анжуманда Beeline Uzbekistan компанияси мобил алоқанинг бешинчи авлод 5G тармоғини Huawei ускуналарида илк бор оммавий синовдан ўтказди.



Кўни кеча пойтахтимиздаги International Hotel Tashkent меҳмонхонасида MobiCon 2018 мобил конференцияси бўлиб ўтди. Учтинчи мартаба ўтказилган анжуманда рақамли технологияларнинг етакчи экспертлари қатнашди.

Халқаро анжуманда Ўзбекистон, Озарбайжон, Беларус, Қозоғистон, Қирғизистон ҳамда Россиядан 20дан ортиқ спикер ўз маърузалари билан чиқиш қилди. Айниқса, маҳаллий спикерлар билан бир қаторда, халқаро digital ва IT компанияларнинг вакиллари — Veon Group бош ижроочи директори Шелл Мортен Йонсен, Select Communication Group — Виктор Елисеев (Қозоғистон), Genesis YouTube Central Asia — Самсон Безмятежный (Қозоғистон)нинг чиқишлари долзарблиги билан барчанинг диққатини тортди. Шунингдек, мутахассисларнинг янги рақамли маҳсулотлар, интернетдаги асосий контент сифатида блогнинг ҳамда влогнинг ривожланиши, e-commerce, digital маркетинг ва бошқа мавзулардаги ахборотлари қизиқарли бўлди.

5-бет ▶

### ▶ ОҒОҲ БЎЛИНГ!

## UZCERT: ЗАРАРЛОВЧИ ИЛОВАЛАР ТАРҚАТИЛИШИ КЎПАЙДИ

Ахборот хавфсизлиги ҳодисаларига чора кўриш хизмати (UZCERT) андронид қурилмалар учун (\*.apk) оммабоп мессенжерлар ва ижтимоий тармоқлар (VK, Facebook, Odnoklassniki, Telegram, Whatsapp ва бошқалар) гуруҳлари ва каналларида зарарловчи иловалар тарқатилиши ҳолатлари кўпайгани ҳақида маълум қилди.

Мазкур зарарловчи дастурлар Android операцион тизимидаги қурилмалар ишини мобил қурилмани бошқариш имкониятидан фойдаланишга тўсқинлик қилиш йўли орқали блок-лашга мўлжалланган. Блокдан чиқариш фақат муайян код (парол) киритилганидан кейин амалга оширилади.



Зарарловчи дастурлар ғаразгўйлар томонидан ушбу дастур томонидан блокланган, блокланиш экранда кўрсатилган мобил телефон рақамига маблағлар ўтказилганидан сўнг, блокдан чиқариш кодини кўрсатиш орқали мобил қурилмалар

фойдаланувчиларидан пул маблағларини товламачилик йўли билан олиб қўйиш мақсадида фойдаланилади.

### UZCERT тавсиялари:

Мобил қурилмадан хавфсиз фойдаланиш мақсадида номаълум манбалардан келувчи дастурий таъминотларни ўрнатманг! Мобил қурилмага антивирус ўрнатиш зарур ва антивирус базаларининг долзарблигини кузатиб бориш талаб этилади.

Бу каби ҳодисалар аниқлаган ҳолатларда UZCERT хизмати мутахассисларига қийдаги рақамлар орқали мурожаат қилишингиз сўралади: (95) 170-98-97 ёки e-mail: info@uzcert.uz.




8 000 СЎМ  
ЭВАЗИГА

7 000 ДАҚИҚА

Uzmobile CDMA тармоғи абоненти бўлишни хоҳловчилар учун қулай тақлиф эълон қилинди.

2018 йилнинг 31 декабригача CDMA стандартидаги мобил телефонларни (B5D, C6, Z-600 ва HK 688 моделлари) харид қилганлар VIP Mobile тариф режаси абонентига айланишади. Бу тариф режасида абонентларга сўзлашувлар учун ойига 8 000 сўм эвасига 7 000 дақиқа тақдим этилади.





# ҲАР ТОМОНЛАМА САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Франция Республикаси Президенти Эммануэл Макроннинг таклифига биноан 8-9 октябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.



## 2019 йилда Тошкентда "Ахборот технологиялари маданий меросни асраш хизматида" мавзuida Осиё форуми ўтказилади

Президент маъбулот хизматининг хабарига кўра, ташрифнинг биринчи кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Париж шаҳридаги ЮНЕСКО бош қароргоҳида ушбу ташкилот бош директори Одри Азуле билан учрашди.

ЮНЕСКО бош директори Ўзбекистон Президентининг ушбу ташкилот шафелигида тинчлик ва баррикенглик маданиятини шакллантириш, экстремизмнинг олдини олиш мақсадида Самарқанд шаҳрида Мирзо Улуғбек номидаги халқаро институт ташкил этиш, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузурида Таълимда ахборот-коммуникация технологиялари бўйича минтақавий марказ ҳамда Самарқанддаги Туризм халқаро университетида ЮНЕСКО кафедрасини тузиш бўйича

ташаббусларини қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистонда Марказий Осиё ёш олимлари минтақавий форумини ҳамда 2019 йилда Тошкентда "Ахборот технологиялари маданий меросни асраш хизматида" мавзuida Осиё форумини ўтказиш тўғрисида келишувга эришилди.

Бош директор Ўзбекистоннинг бутун инсоният бойлиги бўлган маданий-тарихий меросни асраб-авайлаш борасидаги сиёсатини юксак баҳолади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва ЮНЕСКО бош директори Одри Азуле Ўзбекистон билан ЮНЕСКО алоқаларини ривожлантиришга қаратилган 2021 йилгача ҳамкорлик дастурини имзоладилар.

Президент Шавкат Мирзиёев ЮНЕСКОнинг фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзди.

## Франция Сенати раисига ўзбекча француз конституцияси совға қилинди

Шу кuni Давлатимиз раҳбари Париж шаҳрида Франция Республикаси Сенати раиси Жерар Ларше билан учрашди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф торлди. Шавкат Мирзиёев Сенат раисини Франция Конституцияси қабул қилинганнинг 60 йиллиги билан табриклади. Ушбу сана муносабати билан Ўзбекистонда ўзбек ва француз тилларида чоп этилган Франция Конституциясининг илк нусхасини совға қилди.

Ўзбекистон раҳбари Франция Сенатининг тарихий биносини кўздан кечирди.

## Елисей саройида учрашув

Франция Республикаси Президентининг Елисей саройида 9 октябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Франция Республикаси Президенти Эммануэл Макроннинг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда савдо-иқтисодиёт, инвестиция, энергетика, технологиялар, маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш масалалари батафсил муҳокама қилинди. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Франция ҳукуматлараро комиссияси фаолиятига алоҳида аҳамият қаратилди.

Франция тараққиёт агентлиги билан умумий қиймати 600 миллион еврога яқин инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ҳамкорлик дастури имзоланди. Франциянинг "Эйрбас", "Тоталь", "Тоталь Эрен", "Винчи", "Орано", "Веолия", "Фивс Штейн", "Буиг", "Ранжис" ва бошқа кўплаб компаниялари билан ҳамкорликда лойиҳалар амалга оширишга келишиб олинди.

Иқтисодиёт, муҳандислик иши, қишлоқ ҳўжалиги, туризм каби йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрлаш мақсадида Ўзбекистонда Страсбург университети ва Пантеон Сорбонна университети Париж академияси филиаллари очилади.

Учрашувда маданият ва санъат, туризм, фан ва техника, таълим, соғлиқни сақлаш, археология соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Шунингдек, 2021 йилда Лувр музейида Ўзбекистон тарихига бағишланган кўргазма ўтказилади. Бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидан бирига бағишлаб Луврда ўтказиладиган илк шундай ташриф бўлади.

Ташриф давомида автомобил транспортида ташиш, туризм, ҳарбий-техникавий ҳамкорлик, техника кўмак, космосни тадқиқ этиш, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш, маданият ва бошқа соҳаларга оид 10 ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар имзоланди. Музокаралар якунида ҳужжатлар ўзаро алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 10 октябрь кuni мудофиа қурилиши ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини ривожлантириш масалаларига бағишланган хизмат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш якунлари бўйича Президентимиз томонидан Қуролли Кучлар фаолиятини янада тақомиллаштириш ва умуман мамлакат мудофиа қобилиятини юксалтиришнинг устувор йўналиш ва вазифалари белгилаб берилди. Қуролли Кучларини янада ислоҳ қилиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳузурида 2018 йил 10 октябрь кuni Вазирлар Маҳкамаси ва иқтисодий идоралар раҳбарлари иштирокида мамлакатни жорий йил 9 ойида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳолати ва йил якунлари бўйича қўтилаётган натижалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда "Ҳар бир оила — талбиркор" давлат дастурининг жойлаштиришда ижроси бўйича мутасадди раҳбарлар ҳисоботи эшитилди.

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан "Халқаро стандартларга мос равишда сайловларга тайёргарлик қўриш ва ўтказишнинг долзарб масалалари" мавзuida семинар-тренинг ташкил этилди. Тадбир Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалар координаторининг "Ўзбекистон Республикаси сайлов тизимини тақомиллаштиришга кўмаклашиш" қўшма лойиҳаси доирасида ташкил этилди.

Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида 10 октябрь кuni Ўзбекистон - Тожикистон - Корея уч томонлама бизнес-форуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон - Тожикистон - Корея давлатларининг ўзаро савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорлигини янги поғонага кўтариш масалалари муҳокама қилинди. Ҳамкор мамлакатлар ҳудудидида чет эл капитални иштирокидаги сармоявий лойиҳаларини амалга ошириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Покистон Ислам Республикаси Қуруқликдаги қўшинлари коллежи команданти генерал-майор Сарфраз Али бошчилигидаги делегация Ўзбекистон Қуролли Кучлари академиясига ташриф буюрди. Делегация академиянинг инфратузилмаси, ўқув-моддий базаси билан танишди. Учрашув давомида делегация аъзолари Қуролли Кучлар давлат музейида ҳам бўлиб, миллий армиямиз тарихи ва бугунги оид маълумотлар билан танишди.

Тошкент темир йўл муҳандислари институтига шарқий Хитойнинг Жиаотун университети проректори жаноб Фан Йонг бошчилигидаги делегация ташриф буюрди. Мазкур олий ўқув юртлири ўртасида имзоланган меморандумда қўшма таълим дастурлари асосида талабаларни ўқитишни ташкил этиш, икки томонлама тан олинган диплом бериш, талабалар алмашинуви, профессор-ўқитувчилар малakasини ошириш, илмий ресурслар ва тажриба алмашиш, шунингдек, транспорт ва муҳандислик соҳасида алмашинуви мустаҳкамлаш учун ўқув режаларини ишлаб чиқиш масалалари ўрин олинди.

Ташриф давомида 10та ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар имзоланди.

## Маълумот ўрнида:

БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти — ЮНЕСКО 1945 йил 16 ноябрда тузилган. Унинг асосий мақсади таълим, фан, маданият, коммуникациялар, туризм соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш орқали тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга кўмаклашидир. Норасмий равишда "БМТнинг ақл лабораторияси" деб аталади. Жавоҳарлаъл Неру ўз вақтида ЮНЕСКОга "инсоният виждони" деб таъриф берган. Бугунги кунда унга 195та мамлакат аъзо ҳисобланади. Ўзбекистон ташкилотга 1993 йил 26 октябрда аъзо бўлган.



## АКТ ВАЗИРИ VEON GROUP БОШ ИЖРОЧИ ДИРЕКТОРИ БИЛАН УЧРАШДИ



10 октябр куни Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Шухрат Содиқов Veon Group компаниясининг бош ижрочи директори Шелл Мортен Йонсен билан учрашди.

Учрашувда томонлар Beeline компаниясининг Ўзбекистон мобил алоқа бозорига янги технологияларни жорий этиш, шунингдек, мамлакат ижтимоий ҳаётидаги фаол иштирокига доир муваффақият

ятли иш тажрибасини эътироф этдилар.

Мулоқот давомида замонавий телекоммуникация технологиялари ва хизматларини жорий этиш, хусусан, тўртинчи авлод тармоғини кенгайтириш бўйича келгусидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистонда телекоммуникация тараққиётининг юқори даражага кўтарилаётганини қайд этган ҳолда,

Veon раҳбари замонавий телекоммуникация хизматларини тақдим этиш бўйича инвестиция дастурини янада кенгайтириш ниятида эканлигини билдирди.

Unitel МЧЖ ва Buzton ҚҚ МЧЖ (Beeline савдо белгиси) VEON Ltd. компаниялари гуруҳига кирди. Ушбу компания 235 миллиондан ортиқ абонентга хизмат кўрсатувчи глобал алоқа провайдерлиги ҳисобланади.

## ХАВФСИЗ ШАҲАР

### ЙИРИК ХОРИЖИЙ КОМПАНИЯ ЎЗБЕКИСТОННИНГ “ХАВФСИЗ ШАҲАР” ЛОЙИХАСИДА ИШТИРОК ЭТИШИ МУМКИН

9 октябр куни АКТ вазирлигида Hangzhou Hikvision



Technology Co., Ltd компанияси президенти Янжон Ху билан учрашув бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистонда “Хавфсиз шаҳар” лойиҳасини амалга оширишда ушбу хорижий компаниянинг иштироки этиш имкониятлари муҳокама қилинди.

Учрашувда томонлар лойиҳа билан боғлиқ масалаларни биргаликда ўрганишга келишиб олдилар. Бу эса “Хавфсиз шаҳар” лойиҳасини амалга оширишда концептуал ёндашувларни аниқлашда фойдали бўлиши мумкин.

Hikvision компанияси “Хавфсиз шаҳар” лойиҳаларини амалга ошириш ва видеокузатув тизимлари соҳасидаги технологияларни жорий қилишда катта тажрибага эга. Бунга Сеул, Шанхай, Нью-Йорк, Украина, Беларусь ва Сингапурдаги 100 мингдан ортиқ IP-камерадан иборат “Хавфсиз шаҳар”ларни мисол келтириш мумкин. Hikvision маҳсулотлари жаҳоннинг 150дан ортиқ мамлакатларида муваффақиятли қўлланилмоқда.

## СОЛИҚ

### ЭЛЕКТРОН ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРАЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА ЭКСПЕРИМЕНТ ЎТКАЗИЛАДИ

Солиқ маъмуриятчилигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллашни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ҳукумат қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, 2018 йил 15 октябрдан Чирчиқ шаҳри, Навоий ва Сирдарё вилоятларида электрон ҳисобварақ-

фактураларни мажбурий тарзда расмийлаштиришни жорий этиш бўйича эксперимент ўтказилади.

Эксперимент доирасида электрон ҳисобварақ-фактуралар товар-транспорт юкхатлари ва товар-моддий бойликларни олиш учун ишончнома вазифасини бажаради.

## ЯНГИ САЙТ

### ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ УЧУН ЖАМОАТФИКРИ.UZ ПОРТАЛИ ИШГА ТУШИРИЛАДИ

Ушбу портал Президент ҳужжатлари ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини олиб боради.

Бу “Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорида кўзда тутилган.

Мазкур қарорга кўра, 2019 йилнинг бошига қадар ЯИДХП доирасида Jamoatfikri.uz порталини ишга тушириш вазифаси топширилган. Ушбу портал аҳоли, сенаторлар, депутатлар, талбиркорлик субъектлари ва ННТ томонидан Президент ҳужжатларининг жамоатчилик назоратини амалга ошириш имконини беради.

## КОРЕЯНИНГ ИНҲА УНИВЕРСИТЕТИ ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИ ВАЗИРЛИККА ТАШРИФ БУЮРДИ

2018 йил 9 октябр куни Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида Корея Республикасининг Инҳа университети вице-президенти Хиук Вон хоним билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда томонлар Тошкентдаги Инҳа университетининг илк қалдирғочлари ўқишни муваффақиятли тамомлаганликларини мамнуният билан қайд этдилар. Шунингдек, 3+1 дастури доирасида Тошкент шаҳридаги



Инҳа университети 4-босқич талабаларининг Корея Республикасида ўқишни давом эттириб, уни муваффақиятли тугатганликларини ҳам юқори баҳоладилар.

Томонлар маҳаллий ўқитувчиларни тайёрлаш бўйича уларни тайёрлаш даражасини ошириш дастурини амалга ошириш имкониятларини, шунингдек, билим даражасини ошириш ва докторлик даражасини олиши учун ёш мутахассисларни ҳар йили Кореяга юбориш масалаларини муҳокама қилишди.

Сўхбат чоғида Тошкент шаҳридаги Инҳа университетини янада ривожлантириш масалалари ҳам ўртага ташланди. Хусусан, бакалаврият ва магистратуранинг янги таълим йўналишларини жорий этиш бўйича режалар кўриб чиқилди.

## “ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК ШАҲАРЛАРАРО ҚўНГИРОҚЛАР НАРХИНИ АРЗОНЛАШТИРДИ

“Ўзбектелеком” АК барча маҳаллий телефон алоқа абонентлари учун шаҳарлараро қўнғироқларга ягона тариф режани тақдим этди.

Илгари шаҳарлараро қўнғироқларнинг 1 дақиқа учун нархи шаҳарлар орасидаги масофага қараб 40 сўмдан 90 сўмгача белгиланган эди. Энди эса Ўзбекистон бўйича қўнғироқлар нархи дақиқасига 12 сўмни ташкил этади.





## ЭЪТИРОФ

Бугунги кунда мамлакатимиз мудофаа салоҳияти жаҳон стандартлари даражасида такомиллашиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, ҳарбий соҳадаги илм-фаннинг ҳам ривожига ижобий таъсир кўрсатяпти. Ҳарбий илмларни ривожлантиришдаги вазифаларни амалга оширишда илғор олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва педагогик ходимларининг жалб этилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунини Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ш.Содиқов номига келган қуйидаги миннатдорлик мактубидан ҳам билиб олиш мумкин.

“**Бу ютуқ Академиядаги устоз ва шогирд анъанасини янада мустаҳкамлаб, илмий изланувчиларни руҳлантириб юборди.**”

“Ҳурматли Шухрат Муҳаммадҷонович, бугунги кунда Куролли Кучлар Академияси ҳарбий илм-фани ривожлантиришга, бу соҳада илмий кадрлар сонини оширишга алоҳида эътибор қаратган. Бу борада бизга юқори салоҳиятли илмий ходимлар, илм даргалари ўз масъулаҳатлари билан яқиндан ёрдам бериб келишмоқда. Шундай жонқуяр устозларимиздан бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи, техника фанлари доктори, профессор Муҳсинжон Мўминович Муҳитдиновдир.

Муҳсинжон Мўминовичнинг Куролли Кучлар Академияси билан ҳамкорлиги бир неча йилдан буён давом этиб

келмоқда. Ушбу йиллар мобайнида домла диссертация ёзиш ва тайёрлаш масалалари бўйича Академия докторантларига қимматли маслаҳатлар бериб келган ва амалий ёрдам кўрсатган. Бундан ташқари, устоз ҳарбий соҳага оид диссертацияларни ҳимоя қилишдаги илмий семинарларда, илмий кенгаш ва докторантларнинг квалификацияцион имтиҳонларини топириш комиссияси ишларида бевосита иштирок этган. Домла-нинг Академия ходимлари билан ҳаммуаллифликда 2011 йилда чоп этилган “Разработка, оформление и защита диссертации по военной тематике” номли илмий-услубий қўллан-



ри (PhD) диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Бу ютуқ Академиядаги устоз ва шогирд анъанасини янада мустаҳкамлаб, илмий изланувчиларни руҳлантириб юборди.

Академия раҳбарияти Муҳсинжон Мўминовичнинг ҳамкорлик ишларидаги компетентлик ва профессионализм жиҳатларини юқори баҳолайди ва у кишига мамлакатимиз илмий салоҳиятини юксалтиришда шарафли ишларида муваффақиятлар, мустаҳкам соғлиқ тилайди.

Биз келгуси ишларда Муҳсинжон Муҳитдинов сингари бошқа олимлар билан ҳам самарали ҳамкорлик қилишга ишонамиз.

Ҳурмат билан, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ўринбосари — Куролли Кучлар Академияси бошлиғи в.б. А.Икромов”.

маси ҳамда 2017 йилда нашр этилган “Куролли Кучларда Matlab” китоби ушбу илмий ҳамкорликларнинг самарасидир. Муҳсинжон Мўминовичнинг 2016 йили “Разработка толкового словаря военных терминов” илмий-тадқиқот ишлари лойиҳасини амалга оширишдаги фаол иштироки ҳам таҳсинга лойиқ.

Яқинда Академия докторанти Т.Джафаров домла раҳбарлиги остида ўзининг ҳарбий фанлар бўйича фалсафа докто-

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

## АРМИЯ ВА ЁШЛАР

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм)да “Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Президент қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида “Армия ва ёшлар” мавзuida очик эшиклар кунини ўтказилди.



Тадбирда Тошкент шаҳридаги 23-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, Зангиота туманидаги 38-умумтаълим мактабининг Ёшлар иттифоқи етакчиси Моҳира Нигматова бошчилигидаги бир гуруҳ ўқувчилар ҳамда Зангиота тумани Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчилари, шунингдек, бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати совриндори Азизбек Абдулла-

ев ва бокс бўйича республика ва халқаро турнирлар ғолиби Зокирхўжа Мадиев иштирок этишди. Тадбирни кириш сўзи билан очган бошқарма бошлиғи полковник Бекзод Аденев мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, ёшлар учун яратиб берилаётган имкониятлар хусусида гапириб, ёшларни ушбу имкониятлардан унумли фойдаланишга чақирди. Дунёда миллионлаб болалар бундай шарт-шароитлардан мосуволиги, улар жудаям оғир шартларда яшаши, ҳатто мактабларда ўқиш имкониятига эга эмаслиги ҳақида маълумотлар берди.

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси бўлим бошлиғи капитан Гулчехра Турсунова “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарор мазмун-моҳияти, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича ҳарбий қисм ва таълим муассасалари ўрта-

сидаги ҳамкорлик ҳамда бу борада “Армия ва ёшлар” тадбирларининг аҳамияти ҳақида гапириб ўтди. Сўнг боксчилар Азизбек Абдуллаев ва Зокирхўжа Мадиевлар спортда қўлга киритган ютуқлари ҳақида фахрланиб гапириб, ёшларни спортнинг бирор тури билан албатта шуғулланишга даъват этишди.

Шу кунини ўқувчилар саф майдонида аскарларнинг кўргазмали чиқишлари ва ҳарбий алоқа автомобил техникаларининг кўргазмасини зўр қизиқиш билан томоша қилишди. Улар гуруҳларга бўлинган ҳолда бошқарма ҳаёти, жумладан, аскарлар ётоқхонаси ва ошхонаси, ҳарбий қисм кутубхонаси, ZiyoNET ва интернет ўқув синфлари, радио ускуналарни таъмирлаш устaxonаси билан яқиндан танишишди. Қурол ёйиш ва йиғиш, тирдан ўқотар қуроллардан отиш бўйича амалий машғулотлар эса ўқувчилар ёдида бир умр муҳрланиб

қолди. Шундан сўнг аскарлар ва ўқувчи ёшлар ўртасида ўртоқлик руҳидаги спорт мусобақалари ўтказилиб, ғолиблар эсдалик совғалари билан рағбатлантирилди.

Бошқарманинг “Импульс” ҳарбий ансамбли ижросидаги ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги қўшиқлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Тадбир сўнггида ўқувчилар учун аскарлар ошхонасида тушлик дастурхони ёзилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга йўналтирилган бу каби тадбирларни доимий ўтказиб туришни мақсад қилиб олган.

**Ш.САИДОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
ҳарбий прокуратураси  
бўлим бошлиғи,  
адлия подполковниги


Суннат НАЖИМОВ  
олган суратлар.





# ЭЛЕКТРОН САЙЛОВ ТИЗИМИ

## Шаффофликни таъминлашнинг муҳим шарт



**“Мазкур тизимни жорий қилиш сайловларнинг шаффофлигини, “бир сайловчи — бир овозга эга” тамойилини қатъий амалга оширади. Рўйхатнинг ҳолислиги ва изчил янгилаб боришни таъминлайди.**”

Барча соҳаларга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳаётий заруриятга айланиб бормоқда. Бугунги кунда биргина электрон ҳукумат тизими орқали фуқароларга 120дан ортиқ турдаги давлат хизматлари кўрсатилаётганининг ўзи фикримиз далилидир. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 4 октябрдаги “Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан эндиликда мамлакатимизда электрон сайлов тизимини яратиш борасида ҳам амалий ишларга киришилди.

Бу борада 2017 йил 24 декабр кuni бўлиб ўтган Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман кенгашларига сайловлар жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш мақсадида ахборот-коммуникация тизимини жорий этиш ва сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини тузиш илк маротаба ҳуқуқий эксперимент тариқасида синовдан ўтказилгани дастлабки қадам бўлган эди.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривож-

лантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида амалга оширишга оид Давлат дастурида эса сайловчиларнинг Ягона электрон рўйхати ва сайлов жараёнларини бошқаришда ахборот тизимини такомиллаштириш ҳамда электрон ҳукумат тизими доирасида бутун республика бўйича жорий этиш вазифаси белгиланган эди.

Давлатимиз раҳбарининг янги қарори ушбу устувор вазифаларни амалга ошириш ҳамда миллий сайлов тизимини ислоҳ қилишда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур ҳужжат сайлов жараёнига замонавий АКТни кенг жорий этиш ҳамда сайлов жараёнини бошқариш, ахборот тизими ва сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатидан самарали фойдаланиш учун зарур дастурий инфратузилмани яратиш имкониятини беради.

Ҳўш, ушбу тизимнинг янгилиги нимада, унинг оддий фуқаролар учун қандай афзалликлари бор? Аввало шуни айтиш керакки, сайловчининг

ягона электрон рўйхатга кири-тилиши ҳар бир фуқарони аниқ манзили билан биргаликда рўйхатга олиш демакдир. Тажриба шуни кўрсатади-ки, юртимизда ўтказилган аввалги сайловларда битта сайловчи бир нечта рўйхатга кириб қолиши ҳолатлари учраб турарди. Яъни, айрим фуқароларнинг пропис-каси бир жойда, яшаш жойи бошқа ерда бўлиши сайлов кuni айрим муаммоларни келтириб чиқарар эди.

Янги тизим барча сайловчилар умумий сонини, яъни маъмурий-ҳудудий бирликлар кесимида уларни аниқлаш, шунингдек, хориждаги ватандош сайловчилар ҳисобини олиш, сайлов округи ва участкаларидаги сайловчилар нормасини белгилаш учун қўлай шарт-шароит яратди.

Мазкур тизимни жорий қилиш сайловларнинг шаффофлигини, “бир сайловчи — бир овозга эга” тамойилини қатъий амалга оширади. Рўйхатнинг ҳолислиги ва изчил янгилаб боришни таъминлайди. Сайловчилар яшаш манзили ўзгарганда онлайн тарзда мурожаат қилиб, сайлов участкасини ўзгартириши оson бўлади. Ҳар бир сайловчи тегишли маълумотлар базаси билан танишиш имкониятига эга бўлади. Округ ва сайлов участкаларида овозларни санаб чиқиш, яқунларини умумлаштириш ишларини енгиллаштиради.

Электрон тизим — сайловчилар учун қўшимча қўлайликлар яратиш билан биргаликда сайлов комиссиялари ишини ҳам оsonлаштиради. Бундан ташқари, ушбу дастурнинг ишга туширилиши фуқароларнинг доимий ва вақтинчалик яшаш жойларини, чет элларга чиқиш ва қайтиши ҳақидаги

батафсил маълумотларни, уй-жой ва бошқа кўчмас мулк объектлари тўлиқ ҳисоб-китобини, ҳудудлар, кўчалар, уйлар ва хонадонлар номлари ва рақамларини электрон шаклда аниқ ва равшан белгиланишини тақозо этади. Бу борада қарорда тегишли давлат органлари зиммасига аниқ вазифалар юклатилган.

Энг муҳим жиҳати, қарорга асосан 2019 йил декабр ойида бўлиб ўтадиган парламент ва маҳаллий кенгашларга сайловлар жараёнида мазкур янги тизим амалиётга жорий этилади.

Албатта, давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори биз, қонун ижодкорлари зиммасига ҳам қатор вазифалар юклайди. Маълумки, аynи вақтда сайлов қонунчилигини такомиллаштириш мақсадида янги Сайлов кодекси лойиҳаси кенг халқ муҳокамасидан ўтказилиб, халқаро экспертлар ва ташкилотларнинг хулосалари олинмоқда. Ушбу кодекс лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилганидан сўнг унинг янада халқчил ва мукамал қонун ҳужжати сифатида қабул қилинишида халқ вакиллари қаторида фаол иштирок этишимиз талаб этилади.

Янги қарор мамлакатимизда сайлов тизимини янада такомиллаштириш, сайловчиларнинг ҳуқуқий маданияти ҳамда сиёсий фаоллигини юксалтириш, сайловларнинг очик, ошкора ва транспарентлигини таъминлашга зарур шароит яратди.

**Жамшид ПИРМАТОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси

### КОНФЕРЕНЦИЯ

## ПОЙТАХТИМИЗДА MOBICON 2018 ХАЛҚАРО МОБИЛ КОНФЕРЕНЦИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Анжуманда Beeline Uzbekistan компанияси мобил алоқанинг бешинчи

▲1-бет. авлод 5G тармоғини Huawei ускуналарида илк бор оммавий синовдан ўтказди.

Янги алоқа стандарти Ўзбекистонда яқин вақт ичида кириб келиши режалаштирилган бўлиб, MobiCon иштирокчилари биринчи бўлиб уни синовдан ўтказиш имкониятига эга бўлди. 5G аввалги технологиялар билан таққосланганда, янги алоқа стандарти M2M ва IoT талабларга жавоб берган ҳолда маълумотлар узатиш тезлигини юзлаб Мбит/сонияга

ошириш ва бир вақтнинг ўзида бир неча миллион қурилмалар учун тезликни таъминлаш имконини беради.

Шунингдек, конференция доирасида компаниянинг янги маҳсулотлари — BeelineTV ҳамда Яндекс.Музыка тақдими ўтказилди.

— MobiCon 2018 халқаро мобил конференциясида илк мартаба иштирок этдим, — деди

Veon Group бош ижрочи директори Шелл Мортен Йонсен. — Анжуман оддий қилиб айтганда, рақамли дунё янгиликларини ўзаро алмашиш учун кенг майдон яратди ва шуниси билан аҳамиятлидир. Ўзбекистон иқтисодиёти инвестициялар учун очилмоқда. 4G катта шаҳарлардан чиқиб, ҳудудларга кириб бораётганини ҳам кўряпмиз. Бу, албатта, интер-

нет тезлиги ҳамда сифати билан боғлиқ. Шунингдек, биз, иқтисодиётнинг халқаро муносабатлар билан интеграциялашаётганини, халқаро савдо муносабатлари ва янги йўналишлари ривожланаётганини кузатяпмиз. Бундан ташқари, рақамли иқтисод трансформациясига ҳам гувоҳ бўляпмиз. Албатта, MobiCon 2018да йўлга қўйилган ҳамкорлик барча

учун яхши самаралар беришига ишонаман.

Тадбирни Ledokol Group медиа агентлиги бир қатор ҳамкор ташкилотлар билан ташкил этди. Шу ўринда эслатиб ўтамиз, xabar.uz ахборот-таҳлилий порталимиз ҳам тадбирнинг ахборот ҳамкори сифатида қатнашди.

**Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ**




## УЗБЕКИСТАН И КАЗАХСТАН НА ПУТИ СОТРУДНИЧЕСТВА В СФЕРЕ ИКТ

В период с 26 по 27 октября 2018 года в Ташкенте будет проходить встреча казахстанской и узбекской стороны по вопросу сотрудничества в рамках Государственной программы «Цифровой Казахстан» Республики Казахстан и Государственной программы по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 — 2021 годах.

Встреча будет проводиться с участием Премьер-министра Республики Узбекистан А.Арипова и Заместителя Премьер-министра Республики Казахстан А.Жумагулиева.

В составе казахстанской делегации присутствуют предста-



вители 27 IT-компаний Казахстана, Министерства информации и коммуникаций Республики Казахстан, АО «Национальный инфокоммуникаци-

онный холдинг «Зерде» (Национальный институт развития в области ИКТ) и АО «Национальные информационные технологии».

Кроме того, на проводимых панельных встречах и сессиях IT-компаний в течение двух дней продемонстрируют свои готовые IT-решения государственным органам и организациям Республики Узбекистан.

Панельные встречи разбиты на тематические сессии по следующим направлениям и отраслям экономики:

- информационные технологии и телекоммуникации;
- здравоохранение и образование;

■ Smart City, транспорт и безопасность;

■ экономика и финансы;

■ банки и телеком-операторы.

В результате планируется наладить коммуникации и укрепить взаимоотношения между представителями государственных органов, организаций и IT-компаний обоих государств, для дальнейшего внедрения и развития проектов, как в рамках государственных программ цифровизации «Цифровой Казахстан» и Государственной программы по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 — 2021 годах.

### ОБРАЗОВАНИЕ

## УНИВЕРСИТЕТ ИНХА В ТАШКЕНТЕ (IUT) ПОСЕТИЛА ИНДИЙСКАЯ ДЕЛЕГАЦИЯ



9 октября университет Инха в Ташкенте (IUT) посетила индийская делегация в составе д-р. Прадип Кумар Гупта, ректора Университета Шарда и г-на Ашок Дарьяни, руководителя по международным связям данного высшего учебного заведения.

Ректор университета Инха в Ташкенте, Музаффар Жалолов, ознакомил представителей Индии с академической деятельностью университета и созданными условиями для профессорско-преподавательского состава и студентов.

В ходе встречи были проведены параллели меж-

ду университетами в Узбекистане и индийской моделью обучения.



Стороны обсудили перспективы сотрудничества в области подготовки кадров по современным стандартам.

Как известно, с 30 сентября по 1 октября 2018 года состоялся государственный визит Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева в Индию. По итогам проведенных встреч было подписано 20 документов, в числе которых документы в сфере научно-технического сотрудничества с учетом недавно подписанной стратегии инновационного развития Узбекистана.

### ПЛАТЕЖНЫЕ СИСТЕМЫ

## ЯНДЕКС НАЧАЛ ПРИНИМАТЬ ПЛАТЕЖИ ЗА РЕКЛАМУ С КАРТ UZCARD

Яндекс.Директ стал принимать в Узбекистане карты национальной платежной системы — UzCard. Теперь узбекские рекламодатели могут оплачивать рекламные кампании самими популярными картами в стране.

С помощью карты UzCard можно переводить деньги в узбекских суммах: Директ выставит счет в выбранной пользователем валюте (доллары, евро или рубли), а затем переведет по курсу ЦБ Узбекистана в сумы. Деньги перечисляются мгновенно и без комиссии, так что пользователи ничего не теряют. Процессинг обеспечивает компания Урау, технической интеграцией Директа и UzCard занимался процессинговый центр Rayture. До сих пор рекламодатели могли оплачивать

рекламу только картами Visa и MasterCard или с помощью валютного перевода, за который банки взимают комиссию.

«Мы видим большой инте-



рес со стороны рекламодателей Узбекистана к Директу и стараемся расширять возможности для наших партнеров. Картами UzCard пользуется больше 19 миллионов человек, то есть основная часть платежеспособного населения Узбекистана. Люди расплачиваются ими

на сайтах, в продуктовых магазинах и на заправках. Чтобы рекламодателям было проще и удобнее оплачивать свои кампании, мы добавили этот способ расчетов и в Директ», — говорит Сергей Герштейн, заместитель директора по продажам малому и среднему бизнесу в компании «Яндекс».

«Мы очень рады, что Яндекс выбрал нас своим партнером по приему платежей в пользу Директа. Надеемся, что возможность оплачивать диджитал-рекламу в узбекских суммах поможет производителям товаров и услуг выйти на новый уровень торговли на внешнем рынке и найти новых покупателей на внутреннем», — говорит Бехзод Ботиров, генеральный директор компании «Мароканд», которой принадлежит сервис Урау.

### КУЛЬТУРА

## В УЗБЕКИСТАНЕ ЗАПУСТЯТ 3D МУЛЬТСЕРИАЛ

Анимационная студия «DIP Animation» по заказу Milliy TV дает старт мультипликационному сериалу про Помидора Доппи.

«Помидор Доппи» («тобетейка» на узбекском) — развлекательный мультсериал для детей, главным героем которого является веселый и задорный Помидор Доппи. Ранес выложенный в сеть ролик с участием этого героя набрал несколько миллионов просмотров и сделал его самым узнаваемым мультперсонажем Узбекистана.

Доппи — веселый и неунывающий персонаж, постоянно попадающий в комические ситуации. Необычные и смешные стечения обстоятельств не сбивают его с намеченного пути. По словам авторов мультсериала, зрители могут увидеть, как герой сразится с динозавром, отправится в космос и найдет несметные сокровища Самарканда.

Первый сезон мультсериала состоит из 10 серий. Он будет транслироваться по телеканалу «Milliy». Запуск планируется на октябрь 2018 года.







Ғалаба қозонганлар, миллиардлаб маблаг топаётганлар аслида ҳеч қандай сеҳр-жоду ишлатмайдилар. Улар шунчаки туш-кунликка асир бўлишмайди, улар ўз ҳаётларини назорат қила оладилар ва эртанги кун бугунгидан кўра яхши бўлиши учун меҳнат қиладилар. Улар энг яхши, энг кучли бўлишга интиладилар, мақсадни аниқ қўйиб, меҳнатдан қочмайдилар. Улар илғор ташаббуслар билан чиқадилар, инновациялар ёрдамида одамлар ҳаётида қулайликлар яратишга интиладилар. Муваффақиятнинг асоси ҳам шунда.

Муваффақият қозонган инсонларни обдон ўрганиб чиқсак, уларга хос қуйилган одатлар ва ҳаётий қоидаларга гувоҳ бўламиз.

Ўзини кучли ҳисоблаган, улкан муваффақиятларга эришган инсонларнинг қоидалари шундай экан. Эҳтимол, улар орасида ўзингиздаги мавжуд қарашларни ҳам топгандирсиз?!

Ғалаба қозонганлар, миллиардлаб маблаг топаётганлар аслида ҳеч қандай сеҳр-жоду ишлатмайдилар. Улар шунчаки туш-кунликка асир бўлишмайди, улар ўз ҳаётларини назорат қила оладилар ва эртанги кун бугунгидан кўра яхши бўлиши учун меҳнат қиладилар. Улар энг яхши, энг кучли бўлишга интиладилар, мақсадни аниқ қўйиб, меҳнатдан қочмайдилар. Улар илғор ташаббуслар билан чиқадилар, инновациялар ёрдамида одамлар ҳаётида қулайликлар яратишга интиладилар. Муваффақиятнинг асоси ҳам шунда.

Муваффақият қозонган инсонларни обдон ўрганиб чиқсак, уларга хос қуйилган одатлар ва ҳаётий қоидаларга гувоҳ бўламиз.

#### Улар ёмон нарса ҳақида ўйлашмайди

Аслида, сизу биз тўқнаш келган ёмон нарсалар — бизнинг ўй-фикрларимиз маҳсули. Улар тез хулоса чиқариш тўғриси эмаслигини ҳам яхши билишади. Улар одамлардан шубҳаланишмайди. Балки одамларнинг ишончини қозониш учун бор иқтидорларини ишга соладилар.

#### Улар ҳеч қачон ёлгон гапирмайдилар

Улар сароб саналмиш ёлгонлардан йироқ ва хотиржам яшашга интилишади. Агар инсон ижобий хулқи бўлса, у одамнинг кўзига тик қараб, самимий гаплашади. Муаммоларни ҳал қилиш учун ўзини оқламайди, ёлгон тўқимайди.

#### Улар хафагарчиликларни узок муддат эслаб юрмайдилар

Чунки улар қалбдаги гина-қудурат, хафагарчилик салбий ҳиссиётларга сабаб бўлишини яхши билишади. Шунинг учун хафагарчиликларни дарров унутишга, воқеанинг моҳиятини англаб, унинг ўзини эсдан чиқаришини одат қилишади.

#### Улар майда детал ва тафсилотларни доимо эсда туттишади

Маълумки, ҳаётдаги унча-мунча майда воқеа-ҳодисалар

осон унутилади. Бироқ омадли инсонлар бундай қилишмайди. Улар ўзининг буюкликка эришишига ҳисса қўшган ҳар қандай яхшиликни қадрлайди, ёдда туттишади. Шу билан бирга, кичик хатоларни ҳам ёдда тутадилар. Ва, омад ана шундай хулосалар йиғиндиси эканини яхши билишади.

#### Улар ўз ишларига доим масъулият билан қарашади

Улар ўз бахтининг меъморлари ўзлари эканликларини, ўзлари билан боғлиқ барча нарсаларга ўзлари жавоб беришлари шарт эканини яхши билишади. Омадли одамлар ҳеч қачон кечикишмайди, автомобиллар тир-бандлигини баҳона қилиб, ўзларини оқлашга уринишмайди.

#### Улар учун муаммонинг ўзи йўқ

Муваффақиятли одамларнинг фикрича, муаммоларни одамларнинг ўзи чақириб олади. Шунинг учун бу ғолиблар муносиб яшалса, муаммосиз яшаш мумкин, деб биладилар ва ҳаёт мураккабликлари ҳақида ортиқча бош қотирмайдилар. Улар ҳаётдаги турли гов-тўсиқларни енгитиб ўтиб, энг яхши нарсаларга эришишларини яхши билишади. Улар ўз меҳнатлари қадрига етишади ва имкониятларини янада кенгайтиришга интилишади.

#### Улар қийин вазиятларга тез мослашадилар

Кўпчиликнинг фикрича, ҳаёт барбод бўлган умидлар, омадсизликка учраган гоёлар, дайдиб юрадиган тақдирларнинг макони. Бироқ омадли одамлар имконсиз нарса йўқлигини, ҳар қандай вазиятда инсон ўзига мос шароитни яратиши мумкинлигини яхши биладилар.

#### Улар мукофот учун ишлашмайди

Улар қилинган оғир ва машаққатли меҳнатлари, кун келиб, албатта, мукофотланишини кутиб ўтиришмайди. Улар қатъий ва бир маромдаги интилишлари билан мақсад чўққисини забт этишади. Улар муваффақият ҳақида кўп ўйлашмайди,

балки ўйлаш учун кетадиган вақтларини ҳам меҳнатга сарфлашади.

#### Умидсизликка берилмайдилар

Эслаб қолинг, ижод ва илҳом каби, муваффақиятлар ҳам дангасалик ва умидсизлик сабабли барбод бўлади. Омадли одамлар эса теварак-атрофдан илҳом оладилар, руҳланадилар ҳамда катта иштиёқ билан ўрганадилар. Шу боис, улар умид билан яшашни одат қилганлар.

#### Улар ўз имкониятларини юқори баҳолайдилар

Улар ўзларини бошқалар билан қиёслаб, солиштириб ўтиришмайди, балки ҳар қимда ҳар турли ўзига хос куч ва қобилият бор, деб ҳисоблашади. Улар қарама-қарши томонга, бошқаларнинг ишига ортиқча аҳамият беришмайди, диққат-эътиборларини ўз ишлари ва ўз режаларига қаратадилар.

#### Улар қутилмаган ташвишлардан ортиқча азоб чекишмайди

Машҳур олим Томас Эдисон чўғланма чироқ ишлаб чиқарувчи фабрикаси ёниб қол бўлганида харобалар олдида келиб унга ачинаётган одамларни тинчлантиришга, ишчиларнинг кайфиятини кўтаришга уринган. Олимнинг хонавайрон бўлганини айтётганларга Томас Эдисон бу кўргүлик аслида ҳаммасини янгитдан бошлаш учун Худо томонидан берилган имконият эканини айтди.

Ижобий фазилатларга бой одамлар учун омадсизликлар кўрқинчли ҳодиса эмас! Улар муваффақиятсизликдан сабоқ чиқаришади. Бунга кейинги ютуқлар йўлидаги кўмакчи, деб ҳисоблашади.

#### Улар учун ҳаракат айна лаҳза ҳаракат қилишнинг айна фурсати

Ғолиблар ўтмишга кўп ҳам қарайверишмайди. Яқунланган ишлар ва идеаллар, ўтмишдаги муваффақиятлар энди фойдасиз эканини яхши билишади.

Масалан, сиз бугунги кун спорт билан шуғулланишини бошлаш ёки умуман бошқа ишлар стартини учун жуда яхши кун эканини ўйлайсиз.

Уларнинг фикрича эса, бирор нарсани бошлаш учун идеал вақт деган тушунча мавжуд эмас. Англаш керакки, айнан ҳозир, айна лаҳза — ҳар ишни бошлашнинг энг яхши вақти.

#### Улар бекорчилардан узокда юришади

"Дунёни урушлар эмас, бекорчилар абгор қиладилар", деган гап бор. Муваффақиятли одамлар ўз атрофларига меҳнаткаш, позитив руҳият эгалларини, интидудчан инсонларни тўплашга, ана шундайлар билан мулоқот қилишга интилишади. Улар атрофдагиларнинг энг яхши, энг кучли, намунали бўлиши учун кўмак беришади.

#### Улар "ҳа!" дейдиганлар томон шошадилар

Шу ўринда бир ҳикоя ёдига тушди. Бир гуруҳ бақалар қўл сари сайр қилаётиб, йўлда минорага дуч келдилар. Улардан бири бу минорага калтакесакдек ўрмалаб чиқишга аҳд қилибди.

"Йўқ! Бунинг иложи йўқ! Биз бақамиз!" бақирдилар бошқа бақалар. Кўп ўтмай қолган бақалар ҳам бу ишга уриниб кўришга аҳд қилдилар. Яна барча бир овоздан "бунинг иложи йўқ, ахир биз бақалармиз-ку!" деди. Мана шундай шовқин-сурон орасида биргина бақа орқага огишмай, минора теласига ўрмалаб бошлади ва мақсадига эришди. Нега? Қандай қилиб? Боиси, у эшитмас экан. Унинг наздида шовқин солаётган ҳамроҳлари уни қўллаб-қувватлаётган ва "Яшавор! Сен зўрсан! Сен бунни қила оласан!" демоқда эдилар.

Ўзини кучли ҳисоблаган, улкан муваффақиятларга эришган инсонларнинг қоидалари шундай экан. Эҳтимол, улар орасида ўзингиздаги мавжуд қарашларни ҳам топгандирсиз? Ҳар ҳолда ўзини омадли санайдиган ҳар қандай одамда бу қоидаларнинг айримлари бўлади. Қолганларини ўзлаштириш учун эса ҳозир вақтингиз бор. Ахир, омадли одамлар айтишди-ку: "ҳар ишни бошлаш учун энг яхши фурсат — айна лаҳзadır".

Шухрат САТТОРОВ



# ЎҚУВЧИЛАР УЧУН АКТ МАШҒУЛОТЛАРИ

Windows амалий тизимининг исталган талқинида ишлай олади, шу билан бир қаторда, дастур якунида тайёр видеороликка айланади.

Ўқувчиларнинг мактабдан ташқари бўш вақтларини самарали ташкил этиш ва уларни касб-хунар, билим олишга жалб этиш мақсадида Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги тасаруфидagi "Баркамол авлод" республика болалар техник ижодиёт маркази ҳамкорликда бепул маҳорат машғулотларини олиб бормоқда.

Ушбу лойиҳадан қўзланган асосий мақсад — ўқувчи-ёшларни ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги билимларини янада бойитишдан иборат.

Бунда ТАТУ "Компютер тизимлари" кафедраси ассистенти Дилобар Мусажонова ҳамда бир гуруҳ талабалар ўзлари яратган дастурларни

амалиётга қўллаш билан бирга, педагогик маҳоратларини ҳам ошириб боришмоқда. Талабалардан, айниқса, Гулҳаё Эсонова тиришқоқлиги, педагогик қобилияти, болаларга бўлган меҳрини машғулотлар жараёнида амалда қўллаши билан ажралиб турибди.

Машғулотлар нафақат марказ ўқувчилари учун, балки марказдан узоқда яшовчи ёхуд жисмоний имконияти чекланган ўқувчилар учун ҳам айтиш мумкин. Бунинг учун Д.Мусажонова ҳамда Г.Эсоновалар Snagit дастури ёрдамида видеомашғулотлар тайёрлашган.

Snagit дастури бу — скриншотлар билан ишлашга мўлжалланган энг оммабоп дастур. Ушбу дастурнинг бошқа дастурлардан афзаллиги шун-



даки, унда бир вақтнинг ўзида ҳам видеога олиш, ҳам расмга тушириш мумкин. Мазкур дастур Windows амалий тизимининг исталган талқинида ишлай олади, шу билан бир қаторда, дастур якунида тайёр видеороликка айланади. Видеомашғулотларни ҳеч бир қийинчиликсиз веб-сайт ёки ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларга жой-

лаш мумкин. Snagit дастурининг яна бир қулайлиги шундаки, дастур 20дан ортиқ форматдаги расм, видеоформатлар билан ишлабгина қолмай, расм, видео тасвирларни филтрлаш ҳам мумкин. Дастур ёрдамида турли видеодарслар, видеомашғулотлар яратса бўлади

Ўз мухбиримиз

ADVICE.UZ

## ЎЗБЕКИСТОНДА БЕПУЛ МАСЛАҲАТ БЕРУВЧИ ВЕБ-ПОРТАЛ ЯРАТИЛАДИ

Адлия вазирлиги таҳририятимизга маълум қилишча, Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда турли соҳалар (тадбиркорлик, ижтимоий ҳимоя, ҳуқуқий ҳимоя ва бошқалар) бўйича бепул маслаҳат берадиган Advice.uz ягона маълумотлар порталини яратиш ишлари бошланди.

Портални муваффақиятли ишга тушириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти маъмурияти ва Адлия вазирлиги вакиллари билан иборат делегациянинг Лондон шаҳрига ташрифи уюштирилди.

Делегация Британиянинг фуқароларга маслаҳат бериш бўйича энг яхши амалиётлари, хусусан, 1939 йилда иш бошлаган Citizens Advice тармоғи фаолияти билан яқиндан танишди.

Citizens Advice — Буюк Британиядаги 316та мустақил хайрия ташкилоти тармоғидир.

Бу тизим орқали ижтимоий ёрдам, меҳнат муносабатлари, қарздорлик, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, оила, уй-жой, суд-ҳуқуқ, миграция, соғлиқни сақлаш каби соҳаларда элект-



рон портал, телефон, электрон ва Webchat хизмати ёрдамида бепул маълумот ва маслаҳатлар тақдим этилади.

Citizens Advicening Буюк Британия ҳудудида 600дан ортиқ бюроси мавжуд бўлиб, уларга аҳоли ўзининг муаммоси бўйича бепул маслаҳат олиш учун бевосита мурожаат қилиши мумкин.

2017-2018 йиллар давомида Citizens Advice жамоаси томонидан 2 млн. 700 минг нафардан ортиқ шахсларга бевосита ҳуқуқий ёрдам кўрсатилган. Онлайн маслаҳат сайтига 43 миллион фойдаланувчи кирган.

Ўзбекистон делегацияси ўз ташрифи давомида Фуқаролар маслаҳатлари бюроси миллий уюшмаси (National Association of Citizens Advice Bureaux —

NACAB), мазкур уюшма билан ҳамкорлик қилувчи Буюк Британия ҳукуматининг электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш бўйича хизмати (Government Digital Services-GDS), Бизнес, энергетика ва саноат стратегияси департаменти (Department for Business, Energy and Industrial Strategy) ҳамда Буюк Британияда мустақил маслаҳат хизматлари тармоғини қўллаб-қувватловчи AdviceUK хайрия ташкилоти вакиллари билан учрашди.

Учрашувлар доирасида делегация аъзолари ва хорижий ташкилот вакиллари ўртасида "Advice.uz" Ягона ахборот портали лойиҳасини Ўзбекистонда ишга тушириш истиқболлари бўйича фикрлар алмашилди.

"Citizens Advice" вакиллари Ўзбекистон делегациясига уюшма фаолиятига берилган юксак баҳо учун ўз миннатдорлигини изҳор қилди ҳамда мазкур лойиҳани амалга оширишда керакли бўлган барча ахборот ресурсларини тақдим этиш, эксперт ёрдамини кўрсатиш орқали Адлия вазирлиги билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканини билдирди.

"Government Digital Services" вакиллари билан бўлган учрашувда ахборот технологиялари, хусусан, мазкур порталнинг веб платформасини ишлаб чиқишда эксперт ёрдами кўрсатиш бўйича ҳамкорлик қилишга қарор қилинди. Томонлар Ўзбекистон делегациясининг келгуси ташрифида ҳамкорлик меморандумини имзолашга келишди.

Бепул маслаҳат берувчи веб-порталнинг яратилиши фуқароларнинг аризмаган масалалар бўйича турли идораларга мурожаат қилишини кескин камайтириши билан биргаликда, кундалик ҳаётда дуч келиши мумкин бўлган турли муаммолар масалаларнинг қонуний ечимини топилишини таъминлайди.



# ЦЕРЕБРАЛ ФАЛАЖ (ДЦП) ТАШХИСЛИ БОЛАЛАР ҚАЕРЛАРДА ЎҚИШИ МУМКИН?

**Церебрал фалажлик... Фарзандига ушбу таъхис қўйилган ота-онага осон тутиб бўлмайди. Бироқ, бу болакайлар учун ҳам ҳаёт бир марта берилган.**

Боланинг соғлигини тиббий муолажалар билан тиклашга уринганингиз сингари уни таълимнинг турли босқичларига жалб қилиш орқали ўқиб-ўрганиши, бир касбнинг эгаси бўлиши, келажакда ўз ўрнини топишига кўмаклашинг. Ўйлаймизки, қуйидаги маълумотлар бу борада Сизга асқотади.

Аввало, мавзунини мактабга-ча таълим муассасаларидан бошласак. Зеро, ота-оналар бемор фарзандини айди. Ҳолати, соғлиги бошқаларникидек эмас, дея ҳамма нарсадан ҳимоя қилишга, барча юмушларни унинг учун ҳам ўзлари бажаришга ҳаракат қилади. Бу эса нотўғри. Бола кундалик ишлар, ўзига ўзи хизмат кўрсатиш борасида ҳаётининг илк даврлариданоқ кўникма ҳосил қилиши керак. Бироқ церебрал фалажлик ташхисли болаларни қабул қиладиган боғчалар юртимизда борми?

Мактабгача таълим вазирлигининг расмий сайтида қайд этилишича, Тошкент шаҳридаги 560-сонли ва 431-сонли, шунингдек, Фарғона вилояти, Марғилон шаҳридаги 37-сонли, Наманган вилояти, Мингбулок туманидаги 39-сонли боғчалар ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасалари ҳисобланади. Уларга психик ривожланиш ва таянч ҳаракат аъзоларида нуқсон бор ўғил-қизлар қабул қилинади. Ушбу боғчаларнинг олд-йилларидан фарқи жиҳатлари ва қабул шартлари билан қизиқдик.

— Муассасамиз болалар церебрал фалажлиги, унинг турли хил шакллари, Даун синдроми, оғир нутқ ёки таянч-ҳаракат аъзоларида нуқсон (кўкрак деформацияси, рахитнинг оғир асоратлари кабилар) бор болаларга мўлжалланган, — дейди 560-сонли жисмоний ёки ақлий ривожланишида нуқсон бўлган болалар учун кўп ихтисосли “Семурғ” махсус мактабгача таълим муассасаси методисти Феруза КАРИМОВА.

— Боғчамизда 5 кунлик, яъни душанба тонгидан жума кечга қадар болаларни олиб қилиш тизими жорий қилинган. Тарбияланувчининг соғлиги, руҳий ҳолати, шунингдек, ошпаиш шартини, қатнов масаласи — барчаси ҳисобга олиниб, болани тунда олиб қилишга ижозат берилади ёки рад этилади.

Соат 09.00да дефектологнинг, сўнг тарбиячининг гуруҳли машғулоти, 10.00-10.20лардан бошлал мутахассисларнинг укалши, суя муолажаси, даволовчи жисмоний тарбия ва пси-

хологнинг психокоррекция сабоқлари, музика раҳбарининг логоритмика машғулоти бирик-кетин амалга оширилади.

Биз Тошкент шаҳри поликлиникаларида рўйхатда турадиган болаларни қабул қиламиз. Бошқа ҳудудлардан эса фақат Мактабгача таълим вазирлигининг хати асосида тегишли комиссия ҳулосасига кўра қабул қилинади. Болалар мутлақо бепул асосда тарбияланади.

Мактабгача таълим муассасасидан кейин, албатта, болаларнинг ўрта таълим мактабларига бориши устида бош қотирилади. Церебрал фалажлик ташхисида асосан таянч-ҳаракат аъзоларида ва қисман ақлий ривожланишда оқсаи кузатилади. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг Болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва реабилитация қилиш шўъбаси мудири Азизбек МУТАЛИЕВ ихтисослашган мактаблар тўғрисида батафсил маълумот берди:

— Бугунги кунда Халқ таълими вазирлиги тизимига имконияти чекланган, жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсон бор болалар учун 85та ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернат фаолият кўрсатяпти. Мазкур муассасаларнинг:

● 50таси ақлий ривожланишида нуқсон бор;

● 17таси кар ва заиф эшитувчи;

● 14таси кўзи ожиз ва заиф кўрувчи;

● 3таси таянч-ҳаракат аъзолари шикастланган;

● 1таси нутқда оғир нуқсон бор болалар учун ихтисослаштирилган.

Ушбу муассасаларда 18 533 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олмақда.

Давлат дастури доирасида 2015 йили 30та, 2016 йили 2та, 2017 йили 6та, бу йил эса 7та ана шундай муассасада қуриши-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилади.

Ҳозир ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатларда 4162 нафар ўқувчи фаолият олиб боради. Уларнинг 97,7 фоизи олий маълумотли бўлиб, 86 фоизини дефектолог-мутахассислар ташкил этади.



Ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатларда таълим олаётган ўқувчилар дарсликлар билан тўлиқ бепул таъминланади.

Болаларни ихтисослаштирилган таълим муассасаларида қабул қилиш Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 13 сентябрдаги 256-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси бош бошқармаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари ҳузурида ташкил этилган психологик-тиббий-педагогик комиссиялар ҳулосасига асосан амалга оширилади.

Вазирлик мутасаддиси назарда тутган мактаблардан бири Тошкент шаҳридаги 100-сонли таянч-ҳаракат аъзолари шикастланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатдир. Бутун республикадан ўқувчиларни қабул қиладиган ва айни кунда ўз қувватидан кўра анчайин кўпроқ ўқувчи тахсил олаётган ушбу муассаса директорининг маънавий ишлари бўйича ўринбосари Шаффоат АБДУЛҲАЕВНИ суҳбатга тортдик.

— Аслида, мактабимиз 240 ўринга мўлжалланган, лекин айни дамда биринчида то ўннинг синфча 320 нафар ўқувчи ўқимокда. Сабаби муассасамизга талаб жуда катта.

Тахсил умумтаълим дастури бўйича олиб борилади. Омавий синфларимиздаги дарс жараёнлари бошқа мактаблардаги ўқитиш тизимидан қариб фарқ қилмайди. Бироқ, мураккаб нуқсонли болалардан иборат ёрдамчи синфларимиз ёрдамчи дастур, яъни содалаштирилган дастур ва алоҳида китоблар асосида ўқитилади.

Ақсар ота-оналар мактаб-

интернатлардан кейин фарзанди ўқишни қаерда давом эттириши мумкинлигини билмайди. Ҳолбуки, юртимизда бир нечта ихтисослаштирилган коллеж мавжуд.

— Мамлакатимизда бугунги кунда тўртта ихтисослаштирилган коллеж: Тошкент имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар коллежи, Республика имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар коллежи, Самарканд имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган махсус коллежи ҳамда Икониқатлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган Фарғона шаҳар республика касб-хунар коллежи мавжуд, — дейди Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази бош мутахассиси Ихтиёр ҲАМИДОВ. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги 5313-сонли фармонида асосан, 11 йиллик умумтаълим жорий этилгани сабабли касб-хунар коллежларига қабул тўхтатилгани боис 2018-2019 ўқув йилида имконияти чекланган шахсларни қабул қилишга ихтисослашган касб-хунар коллежларига ўқувчи қабул қилинмади. Бироқ, 2019-2020 ўқув йилидан 11-синф битирувчилари қабул қилинади.

Юқоридаги фармонда белгилаб берилган вазифаларга кўра, касб-хунар таълими тизимини янада такомиллаштиришни мувофиқлаштириш Республика комиссияси томонидан Ҳукумат қарори лойиҳасини тайёрлаш (2019 йил 1 январь) жараёнида имконияти чекланган шахсларга мўлжалланган касб-хунар коллежларини Халқ таълими вазирлиги тасарруфига ўтказиб, 9-синф битирувчилари негизда ўқувчиларни қабул қилишни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

Кейинги суҳбатдошимиз

Касб-хунар таълими маркази бош мутахассисининг сўзларини тасдиқлар экан, қуйидагиларни кўшимча қилди.

Муродалли ВАҲОБОВ, Тошкент шаҳридаги имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган республика касб-хунар коллежи директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари:

— Коллежимизда ҳаракат-таянч аъзосида нуқсон бор, кўзи ожиз, заиф эшитувчи 600 нафардан зиёд ўқувчилар тахсил олади. Бутун республика бўйича қабул амалга оширилиши боис 400 ўринга мўлжалланган ётоқхонамиз ҳам мавжуд. Ўқувчининг соғлиги ва касб йўналишига қараб ўқиш муддати 1, 2 ёки 3 йилни ташкил этади. Барча битирувчиларга давлат намунасидаги диплом берилади ва улар бемалол турли таъхилотларда фаолият олиб боришлари мумкин. Бунинг учун етти йўналиш (кийимлар моделер-конструктор, радиоэлектрон аппаратларни монтаж қилиш, компютер ва компютер тизимларини солаш ва таъмирлаш бўйича техник; бухгалтер, пойабзал буюмларини тайёрловчи ва таъмирловчи; маиший хизмат техникалари (музлатгич, телевизор ва ҳоказо)ни таъмирлаш бўйича уста; тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш техник-технолог) бўйича касб-хунар сирлари ўргатилади.

Битирувчиларимиз орасида олий таълим муассасаларига ҳужжат топширувчилар нисбатан кам. Уларнинг катта қисми ўз хунари, эгаллаган касби билан меҳнат қилишга интилади. Бош мақсад ўқувчиларимизнинг ўзини ва келажакда оиласини молиявий жиҳатдан таъминлай оладиган, ҳамиятда ўз ўрнини топа оладиган даражага етишишига кўмаклашиш.

Шоҳсанам НИЁЗОВА





**Биз яшайдиган Ойбек мавзесидан ўтайдиган 20-автobycra "Лесная школа"га борадими?" деб чиқишди. Эсимни танибманки шу мактаб мавжуд. Мазкур таълим муассасаси тўрт йил аввал Фарғона вилоят чет тилларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабига айлантирилган. Аммо ҳамон эски номи билан аташади. Қизиқ, нима учун номи айнан "Ўрмон мактаби"? Журналистик қизиқиш қўймади — фурсат топиб мактабга бордим.**

Таълим масканида тўлақонли билим олиш учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилди. Директор Элеонора Абдуваҳҳובה 2005 йилнинг январ ойида иш бошлаганини, бироқ мактаб яратилиши ҳақида тўла маълумотга эга эмаслигини таъкидлаб, "Мактаб нафас йўлларида касаллиги бор болалар учун 1930 йилда ташкил этилганлигини биламан, холос, буни менга устозимиз Бўрибекова айтиб берганди. Сиз яхшиси, шу мактабга чорак аср директорлик қилган ана шу устозимиз Гулчехра Мамажоновнанинг суҳбатини олинг. "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи", "Машғал ўқитувчи", "Меҳнат қаҳрамони", "Халқ маърифати аълочиси" унвонлари соҳиби бўлган устозимизнинг мана шу мактабни ҳақиқий таълим маскани қилиб республикага танитишдаги хизматлари беқиёс бўлган. Орденомдаллари ҳам қўп", — деди.

Манзилини олиб, онахонни йўқлаб бордим. Ташрифим боисини эшитиб кўзларида қувонч ёшлари йилтиллаб кетди: "Пенсиям бир ярим миллион сўм, икки фарзандим, 7 невара, 11 чеваранинг ардоғидаман. Ҳаётим ҳамма ҳавас қилгундек фаровон.

# КЕКСАЛИК КИМГАДИР РАНЖ, КИМГАДИР ГАНЖДИР

Мактабим, элим-юртим меҳнатларимни унутмаганига, шу кунларга етказганига беҳисоб шукр, деб умргузаронлик қилипман".

Суҳбат асносида невара келинлари юқорида айтилган орденомдаллари ва уларнинг ҳужжатларини келтирди. Хайратларимни яшира олмадим. Нега шундай аjoyиб педагог-раҳбарни ҳеч ким билмайди, ҳеч қайси журналист қаламга олмаган? Нега? Ўта камтарин, ёшлик қувватини болаларга бахшида этган инсонни қанчалар кўкларга кўтарсак, шунчалар кам-ку!

— Мен раҳбарлик қилаётган 10-мактаб-интернат ёпилиши ҳақидаги хабар бутун ҳаётимни ағдар-тўнтар қилиб ташлагандек эди, — ҳикоясини бошлади Гулчехра она.

— Ўшанда 1975 йил эди. Салкам ўн йиллик меҳнатларим ҳавога кетди, бутун иттифоққа намуна қилиб кўрсатиб келаётган мактабим наҳот исзис йўқолиб кетди?! Нима эмиш. Қишлоқ ҳўжалик институти филиалига бино керакмиш. Хуллас, нима бўлганда ҳам мен ўзимни улоқтириб юборилган бир хасдек ҳис эта бошладим. Етимликда ўсмаганманми, яна йиғига ружу қўйдим. Отам Мамажон Бўрибеков Иккинчи жаҳон урушида Панфилов дивизияси танк бўлинмаси командири бўлган, Югославияни озод этиш жангларида Циганичний қишлоғида танкига бомба тушиб қаҳрамонларча ҳалок бўлган. Бу ҳақдаги "қора хат"ни юзимга босганча аяжонимга билдирмай тўйиб-тўйиб йиғлаб оламан ва бироз ҳовуримдан тушаман. Гўё далажоним ҳаёт бўлганида тақдирим мутлақо бошқача бўладигандек. Ҳар нечук далам бўлганида менга бу зарба фожиа бўлиб туюлмасди, албатта. Бир йўл-йўриқ берардилар-ку, ахир. Ҳар нечук онажоним дардимга аро кирди. "Меҳнат қиламан, деганга иш тўлиб-тошиб ётибди. Ташвиш қилма, бирор мактабни яна қайта тиклаш қўлингдан келади". Менга эса бу ўнгитлар асло таъсир қилмасди. "Аяжон, менга мактабим, ўша болаларим жуда ҳам азиз бўлиб қолганди. Қанча меҳнатларим сингган эди, энди бўлса интернатим йўқ, меҳрга ташна, гам-хўрликка ташна болаларимнинг тақдирини нима бўлади? Билмайман. Шунини тушунасизми, тушунасизми?". Ҳўнг-ҳўнг йиғлайман денг. Ҳеч қанча ўмай вилоят раҳбариятига чақириб қолишди. "Ўрмон мактаби"ни "одам" қилиб берасиз! Гап тамом-васалом. Шикоятга ўрин йўқ! Акс ҳолда партбилетни столга қўйингда, кетаверинг! "Ҳанг-манг бўлиб қўлдим. Нуфузи тушиб кетган мактабни қандай бошқараман, қўлимдан келадими, яна ҳамма ишни нолдан бошлашим керак. Таълим қилиб, анонимчилик авж олган бу мактабга раҳбарликни ҳеч ким олгиси келмасди. "Бориб кўриб келиб

жавобини айтсам. Майлими?". "Бора қолинг, жавобини эртагаёқ эшитайлик". Бордим. Иккитагина дарахт бору қанақасига бу "Ўрмон мактаби" экан? Ётоқхоналар ойнасига кўрпалар уриб ташланган, батареялар муздек. Болалар қаттиқ оғриб қолишса, дўхтир чақириниша телефон ҳам йўқ. Ошхонада асбоблар ишламайди. Ташқарида катта ахлат уюми олдида дошқозонда овқат пишириляпти. Ичимлик суви йўқ, болалар ариқдан сув олиб ичишляпти. Бу ерда нима бор ўзи, деган фарёд бўғимдан отилиб чиқай-чиқай дейди. Гепатит инфекцияси тарқалган, болаларнинг анчаси юқумли касалликлар шифохонасида экан. Уларни кўргани бориб, хўрлигим ҳалдан ошди. Уйга келиб аяжонимга бор гапни айтдим, кўз ёшларимни сира тўхтата олмадим. Йўқ, эглай олмаيمان, дедим. Онам раҳматли — уруш йилларида фронтга юбориладиган гахлама учун ип-калава йитириш пехида уч сменалаб ишлаган матонатли аёл менга яна далда

**Телефон ўрнатишда эса вилоят алоқа корхонаси раҳбарининг, адашмасам ўшанда Фаяс Файзиев эди, ёрдами сира унутмайман.**

бўлди: ўша касал, бечора болалар ҳаққи-ҳўрмати учун ҳам шу ишни бўйинига ол, болам.

Аслида виждоний бурчим ҳам шуни талаб этарди. Эртаси вилоят раҳбарлигидаги йиғилишда қатъий талаб қўйдим: Мен розиман. Фақат муаммоларнинг молиявий томонларига ким масъул? Менинг сўровларим қондириладими? Догонкин, дейишди, маълумотномани, лойиҳаларни пухта тайёрлаб шу кишига топширасиз. Шундай қилиб, аввал ичимлик суви, сўнг газ, охирида телефон олиб келишга муяссар бўдим. Бунда менга вилоят раҳбарининг ёрдами катта бўлди. "Қизим, — деган эди бир гал, — оталарча меҳрибонлик билан. — Ўпканг тўлавермасин, ўнга эркак қўлланмаган ишларни ҳам уdda-

лаб қўйдинг, отангга раҳмат". Телефон ўрнатишда эса вилоят алоқа корхонаси раҳбарининг, адашмасам ўшанда Фаяс Файзиев эди, ёрдами сира унутмайман. Жойлари жаннатда бўлсин. Бутун Оқариқ қишлоғи телефонлашганди... Интернатдаги жамик муаммоларни ечишга салкам тўрт йил умрим кетган...

Ўзимдан сўзлаб зериктириб қўймадимми? Асосий саволингизга жавобим қуйидагича, бу саволга мен ҳам роса жавоб излаганман ва фақат, ота-онаси билан чақинган болалар учун 1930 йилда ташкил этилган санаторий типидagi мактаб-интернат, деган жавоб олганман. Айтишларича, москвалик И.Лямин деган савдогар 1871-1873 йилларда Соколникида оиласи учун ёзги кўрғон қурдирган экан. Шу сўлим масканида 1922 йили нафас йўлларида касаллиги бўлган болалар учун санаторий-интернат очилган ва "Ўрмон мактаб" деб номланган. Бундай санаторий мактаб-интернатлар барча вилоятларда ташкил этилган, дейишди. Билганларим шу.

Хуллас, онахондан қўшимча маълумотлар ололмадим. Аммо ниҳоятда мамнун эдим. Мен мислсиз жасорати ва матонат, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик каби гўзал фазилатлари билан ўқувчилари, шогирдлари меҳрини қозонган, филойларча хизматлари муносиб тақдирланган устоз педагогининг сермазмун суҳбатидан олам-олам баҳра олдим.

Гулчехраҳон момо бугунги кун таълим тизимида олиб борилаётган ислохотларни маъқуллаб, анчагина мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Онахоннинг мулоҳазаларидан бирини келтириш билан сўзимни тутасам, менимча, аини муддао бўлади:

— Менга, айниқса, мактабга таълим тизимига этибор қўчайтирилгани жуда маъқул. Лекин, ота-оналари хорижда меҳнат миграциясида бўлган болаларнинг қисмати ҳақида ҳам кўпроқ қайғуришимиз керак. Мен қанчасини кўрапман. Болаларини кекса ота-оналарига ташлаб мусофирчиликда юришибди. Дангиллама уйлар қурилиб, енгил машиналар олинляпти. Бироқ, ачинарли томони шуки, ҳаммаси учун эмасу аксарияти учун фарзандларининг билимлик-хунари бўлишлари у қадар муҳим эмас. Қачонгача, улар учун бу иккинчи даражада қилиб кетаверади?

Келинг, болаларни илму маърифатли қилайлик, халқимизнинг ёрқин келажакига ҳисса қўша оладиган бўлишсин!

**Ҳафиза САЛЯХОВА,**  
"Xabar"нинг Фарғона  
вилоятидаги мухбири



## “Ўзбекистон почтаси” АЖ “Халқаро почта” филиали жамоаси

**Бутунжаҳон почта кун**  
**билан мамлакатимиз алоқачиларини**  
**табриклайди.**



**Шарафли фаолиятингизда**  
**зафарлар ёр бўлсин!**

## “Ўзбекистон почтаси” АЖ СИРДАРЁ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

**Мамлакатимиз**  
**почта ходимларини**  
**Бутунжаҳон почта**  
**кун билан қутлайди.**



**Ишингизга ривож,**  
**онлангизга тинчлик-**  
**хотиржамлик тилаймиз!**

O'ZBEKISTON  
POCHTASI

“Ўзбекистон почтаси” АЖ

## НАВОИЙ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

**Республикаимиз**  
**почта алоқаси соҳасида**  
**меҳнат қилаётган**  
**барча инсонларни**  
**Бутунжаҳон почта**  
**кун билан табриклайди.**



**Барча касбдошларимизга**  
**эл узоғини яқин, оғирини**  
**енгил қилишдек масъулиятли**  
**вазифаларини уддалашда**  
**куч-қувват тилаймиз.**

Ҳар йили 9 октябрда дунёда Бутунжаҳон почта кун  
нишонланади. Мазкур сана тарихий илдишларга эга — бу  
кунда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослашган  
агентлиги ҳисобланган Бутунжаҳон почта иттифоқи (БПИ)га  
асос солинган.

## "ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" ДУНЁНИНГ 107ТА МАМЛАКАТИ БИЛАН ХАЛҚАРО ПОЧТА АЛМАШУВИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Таркибига 190дан ортиқ мамла-  
кат кирувчи Бутунжаҳон почта ит-  
тифоқи жаҳонда энг катта почта тар-  
моғидир. Ўзбекистон Республика-  
си 1994 йилдан буён Бутунжаҳон  
почта иттифоқининг тенг ҳуқуқли  
аъзоси ҳисобланади ва БПИ дои-  
расида бошқа почта таъмуриятла-  
ри билан ҳамкорликни амалга  
оширади.

Почта тармоғининг кенг миқ-  
ёсда тармоқлашиб кетганлиги са-  
баб, БПИ жаҳондаги энг йирик  
тармоқ ва инфратузилма сифати-  
да қолмоқда.

"Ўзбекистон почтаси" АЖ почта  
алоқаси миллий оператори бўлиб,  
БПИнинг 107та аъзо-мамлакатлари  
билан халқаро почта алмашувини  
таъминлайди. Бутун республика  
бўйлаб, энг узоқ ва етиб бориш  
қийин бўлган ҳудудларда ҳам,  
аҳоли учун қабул нархларда уни-  
версал почта алоқаси хизматлари-  
ни кўрсатиш бўйича ўз мажбури-  
ятларини бажаради.

Рақобатли бозор муҳити шаро-  
итларида "Ўзбекистон почтаси" за-  
монвий ахборот-коммуникация

технологиялари асосида янги хиз-  
матларни ривожлантириш, Ўзбеки-  
стон ҳудудида кафолатли ва сифат-  
ли почта алоқаси хизматларини  
кўрсатишни таъминлашга катта  
эътибор қаратмоқда.

Халқаро тажрибаларга таяниб  
"Ўзбекистон почтаси" АЖ почта  
алоқаси миллий оператори сифати-  
да почта алоқаси тармоқларини мо-  
дернизациялаштириб, хизмат тур-  
лари доирасини кенгайтириб, замо-  
навий ахборот-коммуникация тех-  
нологияларини жорий этган ҳолда,  
объектларда почта алоқаси хизмат-  
ларини кўрсатмоқда.

Почта алоқаси бўлинмаларида  
автоматлаштирилган иш ўринлари  
ташkil этилган бўлиб, аҳолига  
"электрон пул ўтказмалари", "гиб-  
рид пул ўтказмалари" каби янги  
хизмат турлари жорий этилган.

Ҳозирда "Ўзбекистон почтаси"  
АЖ томонидан почта алоқаси соҳа-  
сини ривожлантириш, ахборот-ко-  
муникация технологиялари асоси-  
да тақдим этилаётган хизмат турла-  
ри ҳажмини кенгайтириш чора-тад-  
бирлари амалга оширилмоқда.



## ТАҲЛИЛ

## ИНТЕРНЕТ “КАЛИТЛАРИ” АЛМАШТИРИЛДИ

Домен номлари ва IP-манзилларни бошқарувчи корпорация (ICANN) 11 октябрдан интернетдаги илдиз доменлар тизimini химояловчи криптографик калитларни алмаштиришни бошлади. Шу муносабат билан 11 октябр ва ундан икки кун ўтиб глобал миқёсда интернет қисман ўчиши мумкинлиги ҳақида хабарлар кўпайиб кетди.

Ҳозирча интернетдаги “профилактика”нинг салбий таъсирини сезмадик — интернет ишлаб турибди. Ўчиб қолиши ҳам мумкинми, бу қандай юз беради?

Гап шундаки, янги калитларга ўтиш пайти (бу жараён KSK Rollover деб аталади) айримларда интернетга уланишда муаммолар кузатилиб, серверлар ишламай қолиши мумкин экан. Мисол учун, сиз браузернинг манзил қаторига номни киритсангиз-у сайт очилмаса, билингки, биз айтган муаммо билан юзма-юз келиб турибсиз...

Тармоққа улаиш муаммоси 11 октябрдан ёки орадан 48 соат ўтиб

(чунки кўплаб серверлар сўровларнинг қўшланган версияларини охириги муваффақиятли уринишдан сўнг икки кунгача сақлайди) бошланиши эҳтимоли айтилган.

## “Илдиз доменлар”

“Илдиз доменлар” — сиз браузерга киритадиган интернет-манзилнинг охириги бўлаги. Улар дунёнинг турли бурчакларидаги турли компаниялар томонидан бошқарилади. Масалан, улардан энг машҳури VeriSign компанияси бошқараётган .com домени. Миллий доменлардан масалан, Британия домени — .uk ни Nominet компанияси бошқаради.

## Кулфларни алмаштириш

Эски калит KSK-2010 деб аталарди, унинг ўрнига KSK-2017 келади. 11 октябрдан сўнг KSK-2010 ишламайди. Бу ўзгаришни эшик кулфларини янгисига алмаштиришга қийёслаш мумкин.



## Алмаштиришдан мақсад нима?

Криптографик калитлар кибер-фирибгарларга тўсиқ қўйиш учун жорий этилмоқда. Чунки назарий жихатдан қучли компютерлар, агар вақт

етарлича бўлса, кодни топиши мумкин экан.

Яхши хабар шуки, мутахассисларнинг ишонтиришича, аксарият фойдаланувчилар интернетда “глобал профилактика” ўтказилганини ҳатто сезмай ҳам қолишади.

## БОЗОР ҚОНУНЛАРИ



## ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ИНТЕРНЕТ КОМПАНИЯЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТМОҚЧИ

Франция иқтисодиёт вазирини Бруно Ле Майре интернет компаниялари Европа Иттифоқига аъзо давлатлардан қўрган фойдасидан солиқ ундирмоқчи.

Европа 1 радиосига интервью берган Ле Майре Google, Amazon, Facebook ва Apple каби компаниялар Европа Иттифоқига аъзо давлатларда қўрган фойдаларидан солиқ тўлаши лозимлигини, бу масала бўйича Германия канцлери ўринбосари, молия вазирини Олаф Шёлс билан гаплашиб олиб, бирор чора излаб топишини маълум қилган.

Франция президенти Эммануэл Макрон ҳам шундай фикрда.

## МЕССЕНЖЕРЛАР

## TELEGRAM DESKTOP БАРҚАРОП 1.4.2 ТАЛҚИНИГАЧА ЯНГИЛАНДИ

Ноутбук ва компютерлар учун мўлжалланган Telegram Desktop иловаси 1.4.2 талқинига қадар янгиланди.

Энди телеграм кўйидаги афзалликларга ҳам эга:

- Хотира билан боғлиқ хатоликлар тузатишган.
- Хариталарнинг дастлабки кўрсатилиши (превью) энди MTProto протоколи орқали амалга оширилади.
- Созламалар менюсига ўзгаришлар амалга оширилган.
- Турли тузатиш ва яхшилаш ишлари олиб борилган.



## БРАУЗЕРЛАР

## ЯНГИ CHROME ЮЗЛАБ САЙТЛАР ВА МИЛЛИОНЛАБ ҚУРИЛМАЛАР УЧУН МУАММО

Google компанияси Chrome браузерини учун янгилашда хавфсизликка катта эътибор қаратяпти, бироқ бу юзлаб сайтлар учун бошогриққа айланиши мумкин.

Муаммо шундаки, янги “хром” эски Symantec сертификатига эга сайтларни блоклашни бошлайди.

Хавфсизлик бўйича тадқиқотчи Скотт Хелмнинг аниқлашича, энг оммалашган миллионга сайт ичида юзлаб эски сертификатлилари бор: масалан, Ҳиндистоннинг федерал банки сайти, Тел-Авив ҳукумати сайти, Social Science Research Network ва бошқалар. Янги Chrome 70 чиқадиган 16 октябр кунидан бу каби сайтларнинг иши оғирлашиши аниқ.

Google Chrome ҳадемай Android Jelly Bean 4.1 ва 4.3 амалий тизимларини қўллашни тўхта-тиши ҳам хабар қилинган.



## ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР

## GOOGLE+ 2019 ЙИЛ ОХИРИГАЧА ЁПИЛАДИ

Google компанияси Google+ ижтимоий тармоғини оддий одамлар учун ёпиб, фақат корпоратив мижозлар учун қолдиришини эълон қилди.

Чунки сервис қўтилганидек оммалашмади: маълумотларга қараганда, селанларнинг 90 фоизда ижтимоий тармоқдан кўпи билан беш сония фойдаланишди.

8 октябр кунини,

компания ижтимоий тармоқни ёпиши ҳақида эълон қилишидан бироз аввал The Wall Street Journal юз минглаб фойдаланувчиларнинг маълумотлари сизиб чиқиб кетгани ҳақида хабар берган эди. Google компанияси Google ҳамда Android-қурилмалар мижозлари маълумотлари ҳимояси билан боғлиқ муаммолар борлигини тан олди.




## АҚЛЛИ ШАҲАР

## АҚШДА “АҚЛЛИ ЧОРРАҲА” СИНОВДАН ЎТЯПТИ

Honda автоконцерни АҚШнинг Мэривилл шаҳарчасида “ақлли чорраҳа”ни синовдан ўтказяпти — автомобиллар ўртасида ўзаро маълумот алмашишни кўзда тутувчи бу тизим кўкқисдан йўлга чиқиб қолувчи пидедалар ёки велосипедчилар ҳақида ҳайдов-чига вақтида хабар беради.

Компания мутахассислари бу тизим кел-гусида йўлларни тартибга солиш, авариялар, бахтсиз ҳодисалар сонини камайтиришга катта ҳисса қўйишига умид қилишяпти.



Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади



# Никки Хейли лавозимидан кетмоқчи

БМТдаги курсини энди ким эгаллайди?

## Трампп: буну унинг ўзи хоҳлади

АҚШ президенти Доналд Трамп кўкқисдан мамлакатнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидagi доимий вакили Никки Хейли лавозимидан кетаётганини айтиб, расмий Вашингтонни ҳам, Қўшма Штатлар сиёсат оламини ҳам тонг қолдирди. Президент қарорини шу тарзда изоҳлади: "АҚШнинг БМТдаги вакили Никки Хейли мен ҳурмат қиладиган инсон, энг муҳими, буну ўзи билди. У унча-мунча одамнинг қўлидан келмайдиган ишни бажари. У ҳозирги маъмурият ҳокимиятга келгандан бери биз билан бирга бўлди, президент сайлови кампанияси вақтида қаторимизда ишлади. Узоқ ва самарали ҳамкорлик қилдик. У олти ойча олдин мента, "Балки икки йиллик фаолиятимдан сўнг, жорий йил сўнггида бироз дам олмақчиман", — деб айтган эди".

Жанубий Каролина штатининг собиқ губернатори Хейли Трамп маъмуриятида муҳим лавозимни эгаллаб турган эди. Ташқи ишлар борасида маълумоти бўлмаса-да, у бообру дипломат сифатида ном қозона олди. Унинг дипломатик фаолияти Трампнинг ташқи сиёсатга ўткир ва зиддиятли ёндашуви БМТ Хавфсизлик кенгашига кириб боришига сабаб бўлди.

Трамп режалаштирилган истеъфони эълон қилгандан сўнг Хейлининг 9 октябр кунин берган изоҳларида ҳам ана шу курс ёндашув аён бўлди. "Сўнгги икки йил ичида Қўшма



Штатларнинг ташқи сиёсатида нима-лар рўй берганига бир қаранг, — деди у. — Энди уни ҳамма ҳурмат қилади. Биз қилаётган ишлар бошқа мамлакатларга ёқмаслиги мумкин, лекин улар қилаётган ишларимиз билан ҳисоблашади. Улар биз бир ишни бошласак, уни ниҳоясига етказишимизни билди. Президент буну исботлаб берди".

## Бир ёқлама ёндашув ёки ютуқ

Хейли икки йил олдин ушбу лавозимни эгаллар экан дипломатларга хос бўлмаган баёнотлар берган эди. "Бизни қўлламаётганларнинг номини бир-бир айтаямиз. Бунга тегишли тартибда жавоб қайтаришга ҳаракат қиламиз", — деганди ўшандаёқ. Бу Хейли БМТда қўллашга ҳаракат қилган ёндашувнинг аниқ кўриниши эди. У Хавфсизлик кенгаши йиғилишларида ва ҳамма жойда доимий равишда Эрон билан Сурияни танқид қилиб келди, бу борада кенгашнинг бошқа аъзолари билан кўп тортишди. Яна у Хавфсизлик кенгашини "Исроилга ёпишиб

олганлик"да айблади. Шунингдек, АҚШ маъмуриятининг ташқи сиёсат бўйича етакчи вакилларида бири сифатида у Қўшма Штатларнинг Исроилдаги элчихонасини Тел-Авивдан Қуддусга кўчириш масаласида олдинги сафларда бўлди.

Хейли БМТ бюджети 1,3 миллиард долларга қисқартирилгани, Жанубий Суданга қурол-яроғ етказиб беришда тақиққа эришилгани ва ҳоказоларни ўзининг ютуғи деб ҳисоблашини айтди.

## Унчалик қовушмаган дипломатия

Икки йил олдин Трампнинг Хейлини БМТдаги лавозимга тайинлашга қарор қилгани кўпчиликини ҳайратлантирган эди, чунки у 2016 йилги президент сайлови кампанияси вақтида республикачилардан бош номзодни қўллаётгани учун Трампни кўп танқид қилган. Гарчи у БМТдаги фаолияти давомида ўзини Оқ Уйдан нарироқ тутган бўлса ҳам, Трамп сиёсатини юргизди. Хейли Россияни тинмай танқид қилар, бу Трампнинг Москвага нисбатан муроа қилиш сиёсати билан унчалик қовушмаётган эди.

Хейли май ойида Россиянинг Кримни босиб олишини "бир аъзо давлатнинг бошқа бир аъзо давлат суверенитетини бевосита поймол қилишнинг дарсликдаги намунаси" деб атади. Яна у сентябр ойида Россияни ушбу мамлакат махсус хизматларининг Британияда асабни фалажловчи кимё-

вий моддани қўллаганликда ҳамда БМТнинг Шимолий Кореяга санкцияларини бузётганликда айблаб чиқди.

У икки сиёсат масалаларида ҳам Трампникидан ўзгача йўл тутаётганлиги ва бу ҳол кўплаб тушунмовчиликларга сабаб бўлди. Хулласи калом, Хейли ҳам ташқи, ҳам ички сиёсатда Трамп маъмуриятдан мустақилроқ сиёсат олиб борди.

## Хейли президент бўлмоқчимиди?

Хейли жорий йил охирига қадар лавозимидан қолишини айтди. Унинг лавозимидан кетишини эълон қилиш учун танланган вақт ҳар хил мишмишларга сабаб бўлди. Баъзилар унинг 2020 йилги президент сайловида Трампга рақиб бўлишини айтмоқда. Лекин, ўзи президентликка номзодини кўрсатмаслигини ва амалдаги президентни қўллашини билдирди.

## Унинг ўрнига номзодлар кўп

Хейлининг Оқ Уйда берган баёноти Трамп унинг ўрнига кимни тайинлаши ҳақидаги миш-мишларни авж олдириб юборди. Чунки у баёнотида Трампнинг қизи Иванка билан унинг эри Жаред Кушнерни мақтади. Бу улардан бири БМТдаги лавозимга тайинланиши мумкинлиги ҳақидаги гап-сўзларга сабаб бўлди.

Бошқа номзодлар сифатида эса Давлат департаменти матбуот котиби Хизер Ноэрт, Трамп маъмуриятининг хавфсизлик масалалари бўйича собиқ маслаҳатчиси Дина Пауэлл, АҚШнинг Германиядаги элчиси Ричард Гренелл тилга олинмоқда.


## ТОҶИКИСТОН: "ЎЗБЕКИСТОН

## ДЎСТ ВА БИРОДАР ДАВЛАТ"

Тожикистон Стратегик тадқиқотлар маркази ўтказган ижтимоий сўровда қатнашганларнинг 80 фоизи Ўзбекистонни "дўст ва биродар давлат", деб атади.

Икки қўшни давлат тадқиқот марказлари экспертларининг септбрда Душанбеда бўлиб ўтган йиғилишида икки қўшни давлат ўртасидаги муносабатларга оид Тожикистон томони ўтказган ижтимоий тадқиқот натижалари эълон қилинди. Тадқиқотда иштирок этган Тожикистон Стратегик тадқиқотлар маркази масъул ходими Шерали Розиевга кўра, жорий йил апрелида мамлакатнинг 13 шаҳар ва туманида 2427 киши орасида ўтказилган ижтимоий сўровда қатнашганларнинг 99 фоизи Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни "ижобий", деб баҳолаган. "Сўров иштирокчиларининг 80 фоизи эса, Ўзбекистонни "дўст ва биродар мамлакат" ҳисоблаган, 71 фоизи визасиз борди-келди бошланишидан хурсанд эканини айтган, 84 фоиз тожикистонликлар эса икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар келажакда янада ривожланишига ишонишини билдирган," — деди Шерали Розиев.

Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга давлат ташифи ва икки давлат муносабатларида катта ўзгаришлар кузатилаётгани сўров натижаларига ижобий таъсир кўрсатгани таъкидланади.



## МАЛАЙЗИЯДА ЎЛИМ ЖАЗОСИ БЕКОР ҚИЛИНИШИ МУМКИН

Малайзия ҳукумати ўлим жазосининг бекор қилиниши ҳақидаги қонун лойиҳасини тайёрлади. У парламентнинг навбатдаги йиғилишида кўриб чиқилади.

Мамлакатнинг ҳуқуқий масалалар бўйича вазири Лиенг Вуй Кеноннинг айтишича, ўлим жазоси бекор қилиниши ҳақидаги қарор қонунан қабул қилинмагунча, мамлакатда ўлим жазосини ижро этишга тақиқлов киритилади. Тақиқлов киритилгандан кейин умрбод қамоқ жазоси жорий қилинади.



Малайзия қонунларига кўра, ўлим жазоси қасддан қотиллик содир этиш, ёлланма қотиллик, гиёҳванд моддаларни ташиниш ва тарқатиш, қурол контрабандаси ва шу каби огир

жиноятлар учун қўлла-нади. Ҳукумат маълумотларига кўра, мамлакатда 2007 йилдан 2017 йилгача 35 киши қатл этилган. Айни вақтда Малайзия турмаларида ўлим жазосига маҳкум қилинган 1,2 мингдан кўпроқ маҳбус бор.

2017 йилдаги маълумотларга кўра, БМТга

аъзо 21 давлатда, жумладан, АҚШ, Хитой, Саудия Арабистони, Ироқ, Покистон ва бошқа давлатларда ҳамда БМТ томонидан тан олинмаган битта давлатда ўлим жазоси амалиётда қўлланган.

## ДУБАЙ САЙЁҲЛАР УЧУН ЭНГ ҚИММАТ ШАҲАР

Mastercard компанияси ўзининг Global Destination Cities Index рейтингидида келтиришича, сайёҳлар учун дунёнинг энг қиммат шаҳарлари рейтингининг 1-пононасини Дубай эгаллади. Бу шаҳарда сайёҳлар ўртача ҳисобда 537 доллар сарфлайдилар.

Иккинчи ўриндан Париж (301 доллар), 3-ўриндан эса Сингапур (286 доллар) жой олган. Бешталикка Сеул (181 доллар) ва Бангкок (173 доллар) ҳам кирган. Кейинги ўринларни Токио (154 доллар), Лондон (153 доллар) ва Нью-Йорк (147 доллар) эгаллаган.

Mastercard рейтингни тузишда 162та шаҳарда хорижликлар амалга оширган тўловлар ҳақидаги маълумотлардан фойдаланган.



Саҳифани У.ЙҮЛДОШЕВ тайёрлади



Марк ТВЕН  
(1835–1910; АҚШ)

**Асл исми-шарифи Семуел Ленгхорн Клеменс бўлган америкалик ёзувчи Марк Твен жаҳон адабиётининг йирик намояндаларидан бири.**

**Унинг "Том Сойернинг бошидан кечирганлари" асари ўзбек тилида бир неча бор нашр этилган. Шунингдек, "Геклберри Финнинг бошидан кечирганлари", "Ҳикоя ва памфлетлар" (1959), "Шахзода ва гадо" (1962) ва бошқа асарлари ҳам ўзбек тилига таржима қилинган, мактаб дарсликларига киритилган.**


Бундан бир неча ой муқаллам мустақиллар партияси буюк Нью-Йорк штати губернатори лавозимига менинг номзодимни кўрсатишди. Бошқа икки партия мистер Стюарт А. Вудфорд ва мистер Жон Т. Гофман номзодини кўрсатишди. Бироқ, бу жанобларга қараганда менда муҳим устунлик — доғ тушмаган обрў борлигини билардим. Иккаласининг ҳам бир пайтлари андишали одам бўлган даври аллақачон ўтиб кетган, бунга ишонч ҳосил қилиш учун газеталарни варақлашнинг ўзи кифоя қилади. Кейинги йилларда уларнинг турли хил иллатларига ботиб кетгани шундоққина кўриниб турибди.

Мен бу номзодларга нисбатан ўз афзаллигимдан ҳузур қилиб ич-ичимдан қувонардим-у аммо аллақандай нохуш фикр худди лойқа сув каби тиниқ бахтимни булгаётгандек бўларди, чунки менинг номимни ана шу муттаҳамлар номи билан бирга ёзиб қўйишди-да! Бу фикр менга тинчлик бермай қўйди. Ўйлаб-ўйлаб ана шулар тўғрисида бунимга хат ёздим. Бувим тезда жавоб ёза қолди. Мана, унинг мактуби:

"Сен умринг бино бўлиб бирор марта ҳам виждонсизлик қилмагансан. Бирор марта ҳам! Ваҳоланки, газеталарни шундоққина варақласанг мистер Вудфорд билан мистер Гофманнинг қанақа одам эканлигини билиб оласан. Ўзинг ўйлаб кўр, улар билан ошқора кураш олиб бориш

## ГУБЕРНАТОРЛИККА САЙЛОВЛАР

Марк ТВЕН



билан ўз обрўининг эрта уришинг мумкинми?"

Худди шу нарса менга тинчлик бермасди. Туни билан ўйлаб чиқдим. Ниҳоят, энди аҳдидан қайтмасликка аҳд қилдим. Нонушта қилиб ўтириб газеталарни кўздан кечириб эканман, тўғриси айтганда мени довдиратиб қўйган қуйидаги мақолани ўқиб қолдим:

"Сохта гувоҳлик. — Мистер Марк Твен энди губернаторликка номзод сифатида халқ олдида сўзга чиқиб, 1863 йилда Вакавака шаҳрида (Кохинхин вилояти) қандай қилиб ўттиз тўртта гувоҳ томонидан қасамини бузганликда айбланганини балки айтиб берса керак? Миш-мишларга қараганда,

ўзига овоз беришига шунчалик умид боғлаётган сайловчилари манфаати учун бу воқеани тушунтириб бериши керак. Бунга юраги дов берармикан?"

Буни ўқиб эсим оғиб қолди. Қўпол, шармандали бўхтон! Умрим бино бўлиб Кохинхинда бўлмаганман! Вакавака қасрда эканини умуман билмайман. Банан дарахтини кенгурудан фарқ қилсам ўлай агар! Нима қилишни билмай қолдим. Ҳазабим жунбушга келса ҳам, барибир, мутлақо ожиз эдим.

Орадан бир кун вақт ўтиб кетибди-ю мен ҳеч нима қилолмадим. Эртаси куни эрталаб ўша газетда мана бундай сатрлар пайдо бўлиб қолди.

"Жуда қизиқ! — Шунга айтиш керакки, мистер Марк Твен Кохинхиндаги ўзининг сохта гувоҳлиги масаласида гинг демайпти!"

(Бу газета бутун сайлов кампанияси мобайнида менинг номимни "Разил, Қасамхўр жиноятчи Твен", деб юритди.)

Кейин бошқа газетда мана бундай мақола пайдо бўлди:

"Билишни истар эдик! — Губернаторликка янги номзод ўзи учун овоз беришга юраги дов берган ўз ҳамшаҳарларига битта кичкинагина масалани тушунтириб бермасмикан: Монтандаги баракдош ўртоқларининг кўпинча ҳар хил майда-чуйда буюмлари йўқолиб тургани, булар дам мистер Твеннинг чўнтагидан, дам унинг "жомадон"идан (лашушлар ўралган газета) топилгани тўғрими? Ўртоқлари ниҳоят мистер Твеннинг фойдасини кўзлаб унга насихат қилишганини, аъзои баданига қора мой суртиб парга ағанашига ва шу йўсинда ёғочга миниб кўчада юришга мажбур этишгани, кейин тезроқ бу ердан туёғини шикиллатиб қолишни маслаҳат беришгани ростми? Мистер Марк Твен бунга нима деб жавоб беради?"

(Ўшандан бери бу газета менинг номимни "Твен, Монтан ўғриси" деб юритди.)

(Давоми бор.)

Русчалан Абдуворис  
АБДУМАЖИДОВ таржимаси

### ҚИСКА ҲИКОЯЛАР

Китоблар бизнинг энг сўнгги дўстларимиздир, улар бизни алдамайди, ҳамиша ёнимизда туради ва кексайганимизда ҳам маломат қилмайди.

ФАГЭ

## ДЎСТЛИК ЁЛҒИЗ ЮРМАЙДИ

Денгиз бўйида қария яшарди. У ёлғиз бўлиб, бу ёруғ оламда ҳеч кими йўқ эди. Бир куни оқшом чоғи у эшик тақиллаганини эшитди. Ким у, деб сўради қария. Эшик ортдан "Сенинг давлатинг" деган овоз келди. Қачонлардир ҳаддан зиёд бадавлат эдим. Лекин у менга бахт олиб келмади, дея жавоб берди қария ва эшикни очмади.

Эртаси куни яна эшик қоққан овоз эшитилди. Ким у, деб сўради қария. "Сенинг севгинг", жавоб янгради ташқаридан. Мен севдим, севилдим, лекин у менга бахт бермади, деди қария ва унга ҳам эшикни очмади.

Японияда, пойтахтдан унча узоқ бўлмаган қишлоқда кексайиб қолган доно самурай яшарди. Кунлардан бирида у шогирдлари билан машқ қилаётганида ёнига ўзининг кўполлиги ва шафқатсизлиги билан танилган курашчи йигит келди. У қўллайдиган асосий усул ўзгаларнинг шаънига тегиш бўлиб, ҳақоратомуз хатти-ҳаракатлари рақибни қонини қайнатиб, ўзини бошқаролмай қолишига олиб келар, бу эса хатога йўл қўйишга мажбур этиб, оқибатда мағлуб бўлишига сабаб бўларди.

Ёш курашчи қарияни ҳақорат қилди: унга тош отиб, ёмон сўзлар билан сўкиб, тупурди.

Қария пинагини бузмай, машгулотини давом эттирарди. Ҳеч нарсага эришолмаган ёш курашчи ғазабдан толиқиб кун охирида кетиб қолди.

Устознинг шунчалар таҳқирга чидаганига ҳайрон бўлган шогирдлар ундан сўрашди:

— Нега уни курашга чорламадингиз? Мағлуб бўлишдан

қўрқдингизми?

Самурай шундай жавоб қайтарди:

— Бирор киши совға бермоқчи бўлса, уни олмасангиз, совға кимда қолади?

— Совға қилмоқчи бўлган одамда, — жавоб берди шогирдлардан бири.

— Ҳасад, нафрат ва ҳақорат ҳам шундай. Агар уларни ўзингга олмасанг, улар олиб келган кишининг ўзида қолади.

Ҳуршид НУРУЛЛАЕВ таржимаси




## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизimini такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги Низомнинг 49-бандига мувофиқ:

"INTELLECT SOFT" хусусий корхонасининг (Тошкент ш.) маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятига 2015 йил 27 апрелда берилган АА серияли 0005568 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2018 йил 3 октябрдан;

"SARVAR TEXNO SERVIS" масъулияти чекланган жамиятининг (Қашқадарё вилояти) ари-



засига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларини куриш бўйича фаолиятига 2017 йил 5 апрелда берилган АА серияли 0006136 рақамли;

"NEFTGAZ SANOAT LOYIHA" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ;

маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш бўйича фаолиятига 2016 йил 13 декабрда берилган АА серияли 0006025 рақамли;

шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини

лоиҳалаш бўйича фаолиятига 2016 йил 13 декабрда берилган АА серияли 0006026 рақамли;

кўчма радиотелефон (радиотелефон, транкли) алоқа тармоқларини лойиҳалаш бўйича фаолиятига 2016 йил 13 декабрда берилган АА серияли 0006027 рақамли;

маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш бўйича фаолиятига 2017 йил 2 июнда берилган АА серияли 0006191 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2018 йил 8 октябрдан тугатилди.

## Тошкент ахборот технологиялари университети куйидаги лавозимларга танлов эълон қилади

### Доцентлар:

"Компютер тизимлари" кафедраси — 1, "Ахборот технологиялари" кафедраси — 1, "Ахборот хавфсизлигини таъминлаш" кафедраси — 1, "Чет тиллари" кафедраси — 1, "Телерадиоэшиттириш тизимлари" кафедраси — 1.

### Катта ўқитувчилар:

"Гуманитар фанлар" кафедраси — 2, "Телерадиоэшиттириш тизимлари" кафедраси — 1, "Чет тиллари" кафедраси — 1, "Мултимедия технологиялари" кафедраси — 1, "Телекоммуникация инжиниринги" кафедраси — 1, "Менежмент ва маркетинг" кафедраси — 1, "Компютер тизимлари" кафедраси — 1, "Ахборот технологиялари" кафедраси — 1, "Ахборот технологияларининг дастурий таъминоти" кафедраси — 1, "Телестудиялар тизимлари" кафедраси — 1.

### Ассистент (ўқитувчи)лар:

"Телестудиялар тизимлари" кафедраси — 1, "Ахборот технологиялари" кафедраси — 1, "АКТ соҳасида иқтисодиёт" кафедраси — 1, "Информатика асослари" кафедраси — 1, "Почта алоқаси технологиялари" кафедраси — 1, "Ахборот хавфсизли-



гини таъминлаш" кафедраси — 1, "Ахборот технологияларининг дастурий таъминоти" кафедраси — 1, "Криптология ва дискрет математика" кафедраси — 1.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади. Танловда кўрсатилган лавозимлар бўйича фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етук мутахассислари қатнашишлари мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел: 238-64-06.

### Ўтганларнинг охири ошди бўлсин

Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси меҳнат фахрийси **Абдунаби ТОҒАЙАЛИЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг онла аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

ALSKOM суғурта компанияси жамоаси Андижон филиали директори ўринбосари Зокиржон Ўсаровга рафиқаси

**Санобар Ўсарованин**г вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

## Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва меҳмонлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, "Электромагнит мослашув маркази" ("ЭМММ") ДУК огоҳлантиради: мамлакат ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ва ишлатилаётган радиоэлектрон воситалар (барча турдаги радиоузатиш воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади.

Радиоэлектрон воситаларни республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олишни ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича "ЭМММ" ДУК ва унинг вилоятлардаги бўлинмаларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Шу билан бирга, "ЭМММ" ДУК турли диапазонлардаги радиоалоқа воситаларига, телевидение ва радиоэшиттириш дастурларини қабул қилишга таъсир этувчи радиоалақитларни бартараф этиш учун жисмоний ва юридик шахслардан буюртмалар қабул қилади.

Радиоалақитларни бартараф этиш ишлари Ўзбекистон Республикасининг "Радиочастота спектри тўғрисида"ги қонуни ҳамда "Радиоалоқа воситаларига, телевидение ва радиоэшиттириш дастурларини қабул қилишга таъсир этувчи радиоалақитларни бартараф этиш учун буюртмани қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома" асосида амалга оширилади.

### БҮЮРТМАЛАР БҮЙИЧА ИШЛАР ТЕЛЕКЎРСАТУВ ВА РАДИО ҚАБУЛ ҚИЛИШ УСҚУНАСИ ҲАМДА АНТЕННА-ФИДЕР ҚУРИЛМАЛАРИНИНГ СОЗ ҲОЛАТДА БЎЛИШ ШАРТИ БИЛАН ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Буюртмада куйидагилар кўрсатилиши зарур:

■ Буюртмачи ҳақида маълумот: буюртмачи исм-фамилияси (жисмоний шахс) ёки номи (юридик шахс), тўлиқ почта манзили, телефон: (уй ёки хизмат телефони);

■ Қабул қилиш қурилмаси ва антенна тури (хона ичидаги антеннаси ҳамда бино томига ўрнатилган ва ҳ.к.);

■ Қайси телерадио дастурини қабул қилишда ёки қайси частота радиоалақитлар кузатилмоқда;

■ Радиоалақитларнинг содир бўлиш вақти, давомийлиги ва уларнинг эшитилиш ёки кўриниш тавсифи;

■ Ён-атрофдаги хонадонларда телерадио қабул қилгичларга ёки бошқа радиоэлектрон воситаларга ўхшаш радиоалақитлар бўлиши эҳтимоли;

■ Радиоалақитлар содир бўлиши даврида "ЭМММ" ДУК мутахассисларининг буюртмачи хонадонига ташриф буюришининг кулай вақти.

"ЭМММ" ДУК мутахассислари теле-радио, антенна-фидер қурилмаларини ҳамда бошқа турдаги радиоэлектрон воситаларни таъмирламасликлари тўғрисида огоҳлантирамыз.

Буюртмалар "ЭМММ" ДУК техник радионазорат станцияси томонидан ҳамда вилоятларда куйидаги манзилларда қабул қилинади:

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти, 100015, Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 15-уй, тел: 230-41-34, 202-61-78.

Вилоятлардаги ЭМММ маркази ҳақидаги маълумот ва телефон рақамлари:

Андижон вилояти, 170100, Андижон шаҳри, Истиклол кўчаси, 33-уй, тел: 230-64-65;

Бухоро вилояти, 105000, Бухоро шаҳри, Академик И.Мўминов кўчаси, 2-уй, тел: 230-64-66;

Жиззах вилояти, 130100, Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 46-уй, тел: 230-64-68;

Қашқадарё вилояти, 180118, Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 21-уй, тел: 230-64-78;

Наманган вилояти, 116008, Наманган шаҳри, Ибрат кўчаси, 41-уй, тел: 230-64-72;

Хоразм вилояти, 220100, Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй, 23-офис тел: 230-64-77;

Қорақалпоғистон Республикаси, 230100, Нукус шаҳри, Ер-назар Алақоз кўчаси, Алоқа уйи (ШАТС) 2-қават, тел: 230-64-75;

Навоий вилояти, 210100, Навоий шаҳри, А.Темур кўчаси, 4-уй, тел: 230-64-69;

Сурхондарё вилояти, 190112, Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 28-уй, тел: 230-64-79;

Самарқанд вилояти, 140317, Самарқанд қишлоғи, Колбоғ ишлаб чиқариш уюшмаси радио шаҳарчаси, тел: 230-64-80;

Сирдарё вилояти, 120100, Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 54-уй, тел: 202-64-67;

Фарғона вилояти, 150100, Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 30-уй, тел: 230-64-74.

"ЭМММ" ДУК





# Почта

## хақида қизиқарли

# 10

## та факт

**Буюк Британияда почта хизмати бошлангандан буён аҳолига жуда катта имкониятлар яратилган. Айтганча, бу ерда ҳозир ҳам йирик шоҳли чорва молларини почта орқали жўнатиш мумкин.**

1. Ўн тўққизинчи аср охирида бир немис ўрмончиси ўз қизига севгили билан учрашишни таққилаб қўйди. Шунда севишганлар мураса йўлини танладилар ва эман дарахти пўстлогига ёзилган севги номаларини алмашишни бошладилар. Кўп ўтмай қизнинг отаси бундан хабар топди ва



ёшларнинг турмуш қуришига розилик берди. Тўй ҳам айнан ўша эман дарахти остида нишонланди. Шундан бошлаб ўз жуфтини топмоқчи бўлган одамлар ўша эманга мактуб йўллай бошлашди. Дарахт ҳатто расмий почта манзилига ҳам эга бўлди: Brautigamseiche, Dodaer Forst, 23701 Eutin. Дарахтга почтачи олиб келган мактубни истаган одам ўқиши ва унга жавоб ёзиши мумкин. Ушбу танишув хизмати фаолияти давомида юздан ортқ никоҳлар қайд этилган.

2. Энг узун мактуб англиялик Алан Форманга тегишли бўлиб, у хатида турмуш ўртоғи Женетга муҳаббатини изҳор қилган эди. У мактубни икки йил давомида ёзган. Хатнинг ҳажми 1402344 сўздан иборат бўлган.

3. Япониялик амалдор Вичи Нода дунёда энг кўп хат ёзган одамдир. У хизмат сафарларидан турмуш ўртоғига 1307та мактуб йўллаган. Агар ушбу хатлар нашр этилса, 12 минг саҳифадан ортқ 25 томни ўз ичига олади.

4. Виктор Гюго 1862 йили таътили вақтида янги чоп этилган романи ҳақида ўқувчиларнинг фикрини билмоқчи бўлиб, ўз ноширига биргина “?” белгиси қўйилган телеграмма юборди. Унга ҳам фақат “!” белгиси қўйилган жавоб телеграммаси келди. Ва бу энг қисқа ёзишма сифатида тарихда қолди.



5. Вернел шаҳри (Юта штати)да яшовчи бизнесмен қурилиш материалларини энг узоқ масофага жуда арзон тарзда етказмоқчи бўлди – почта орқали. У 676 километр узоқликдаги ўз шаҳрида банк қуриш учун 80 минг гиштни кичик жўнатмалар орқали юборишга келишди. Буюртма бажарилгандан сўнг почта идоралари дарҳол ҳар бир киши учун кунлик почта жўнатмаси лимитини 91 килограмм этиб белгилаб қўйишди.

6. Буюк Британияда почта хизмати бошлангандан буён аҳолига жуда катта имкониятлар яратилган. Айтганча, бу ерда ҳозир ҳам йирик шоҳли чорва молларини почта орқали жўнатиш мумкин.

7. Тинч океани оролларида бирида жойлашган Вануату давлатида қирғоқдан 50 метр нарида сувости почта станцияси мавжуд. Олдиндан махсус сув ўтказмайдиган конвертни сотиб олганлар хатларни водолаз кийимидagi навбатчи почтачи орқали почта қутисига ташлашлари мумкин.



Сувости почта қутилари Япония, Малайзия, Багам ороллари ва бошқа курортларда ҳам бор.

8. 1905 йили Жанубий Африкада 621,35 граммли энг катта Куллинан олмоси топилган. Трансваал ҳукумати топилмани Англия қироли Эдуард VIIга совға қилишга қарор қилади. Фақат жуда қимматбаҳо бу олмосни қай тарзда Лондонга беҳавотир етказиб беришни ўйлай бошлашди. Ниҳоят, Куллинанинни кўп сонли қўриқчилар ҳамроҳлигида пароход капитани сейфида юборишга қарор қилишди. Ҳақиқий олмос эса одатий жўнатма билан почта орқали юборилган.

9. Россиялик рассом Владислав Ковал талабалик даврида яқинларига мактуб юборди, конвертга эса марка ёпиштириб ўтирмади, балки ўзи чизиб буюб қўя қолди. Қизиги, ҳеч бир почта идораси бу ҳийлани сезмаган ва мактуб манзилига етиб борган. Айтганча, шу кичик фирибгарлик Ковалга



келгусида бутунжаҳон маркалар эскизлари танловида ғолиб бўлишига ёрдам берган.

10. Ўн саккизинчи асргача Англияда қирғоқдан топиб олинган хат солинган шишани рухсатсиз очганларга ўлим жазоси берилган. Бундай шишани очишга фақат махсус қироллик хизматчилари ҳақли



эди. Бундай қатъий тартиб сабаби оддий эди: инглиз денгиз флоты денгизчилари кўпинча махфий хатларни оддий шишаларга солиб, уни махсус тарзда шифрлаб сувга улоқтиришган.

У.ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

# Xabar

## МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА  
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир вазифасини  
вақтинча бажарувчи:  
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шўхрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Шўхрат ҚОДИРОВ,  
Евгений БИРГЕР, Тўлқин ТЕШАБОВЕВ, Лутфилло  
ТУРСУНОВ (масуул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.  
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин.  
Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.  
Баҳоси келишилган нархда.

## МАНЗИЛИМИЗ:

100105, Тошкент,  
Толлимаржон кўчаси, 6-уй.  
Тел.: 291-43-92, 291-43-28, 291-43-61, 291-43-78  
Факс: 291-43-70. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компьютер  
базасида терилди ва саҳифаланди.  
Дизайнер: Аслиддин БҲРИЕВ.  
Навбатчи: Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ.



## ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.  
Босишга топширилиши вақти — 20.00.

Газета Ўзбекистон матбуот ва  
ахборот агентлиги томонидан  
0016 рақами билан 2013 йил  
23 июлда рўйхатга олинган.

Газета  
ҳафтанинг  
жума кунин  
чиқади

“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Манзила: Тошкент шаҳри,  
“Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

G-1043 сонли буюртма.  
Оффсет усулида босилди.  
Қўғоғ бичими А-3, ҳажми 4 босма табоҳ.  
Адади: 2843 нусха.

Вилоят  
муҳбирлари:

|           |                 |                |                |           |           |               |               |           |                |           |               |
|-----------|-----------------|----------------|----------------|-----------|-----------|---------------|---------------|-----------|----------------|-----------|---------------|
| Андижонда | Бухорода        | Жиззахда       | Наманганда     | Навоийда  | Нукусда   | Самарқандда   | Термизда      | Тошкентда | Урганчда       | Фарғонада | Қаршида       |
| 226-47-80 | (0365)600-87-21 | (94) 199-95-64 | (91) 353-71-25 | 225-91-10 | 554-35-45 | (91)557-84-44 | (91)235-88-68 | 291-43-28 | (97) 211-65-05 | 244-18-05 | (93)931-08-99 |